

# ПОВЕСТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



№ 25 (3449)

2002 йил 20 июнь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛСИН, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!



**Хар қандай жамоанинг эл-юрт олдида сархисоб берадиган палласи бўлади. Таълим муассасаси учун бу битирувчиларни ўз бағридан учирма қилишидир. Шу йил 15 июнь куни республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ҳам навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.**



2

"Ғалла - 2002"

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Шитоб билан одимлаётган давр ички ишлар ходимлари олдида бир қатор муҳим ва масъулиятли вазифаларни кўндаланг қилиб кўяётганлиги сир эмас. Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, мустақилликни ҳимоя қилиш, эл-юрт тинчлиги ва озоишталлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш каби муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал этиш соҳа ходимларидан тезкорликни, қатъият ва фидойилик кўрсатиб хизмат қилишни тақозо этмоқда.**

Шуни эътироф этиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг энг қайноқ нуқталарида уларнинг ўзига хос ўрни бор. Республикаимизда ғалла ўрими-йиғими қизгин сурьатларда давом этаётган шу кунларда халқимиз ризқ-насибасини асраш, доннинг талон-торож этилиши олдини олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, мавсум давомида йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек долзарб ва масъулиятли вазифалар улар зиммасида.

Яқинда Навоий вилоятида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда соҳа ходимлари олдида турган бир қатор муҳим вазифаларга эътибор қаратилди. Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Назиров олиб борди.

Унда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф. Алиев етиштирилган ғалла ҳосилини қисқа фурсатларда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш чора-тадбирлари ҳақида тўхталар экан, бу борада ички ишлар ходимларининг ёрдами бениҳоя зарурлигини алоҳида эътироф этди.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Б. Нарзуллаев "Ғалла-2002" тадбирига тайёргарлик юзасидан шу кунгача бажарилган ишлар ҳақида, жумладан кенг қўламда мавсумолди юмушлари амалга оширилганлигини гапириб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев сўзга чиқиб, бугунги кунда вилоятда тезкор вазият, бошоқли дон экинларини қисқа фурсатларда беталафот йиғиштириб олиш ҳамда болаларнинг ёзги дам олишларини ташкиллаштириш борасида ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган долзарб вазифаларга эътиборни қаратди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Рўзиев қатнашди ва сўзга чиқди. Кўрилган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Н. РАҲИМОВА,**  
милиция катта лейтенанти.

### Миннатдорчилик

## УЮШҚОҚЛИК КЎРСАТИШДИ

**Республика Ички ишлар вазирлигига Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасидан миннатдорчилик мактуби келди. Унда жумладан шундай дейлади:**

"Шу йил 13-31 май кунлари ҳудудий "MINITECH - 2002" мини-технологиялар, ускуналар ва товарларнинг кўргазма-савдоси ўтказилди. Ушбу тадбир Қорақалпоғистон Республикасининг Эликқалъа тумани, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Термиз шаҳарларида бўлиб ўтди.

Кўргазма иштирокчиларини Тошкент - Фарғона - Тошкент йўналишидаги Қамчиқ довонидан олиб ўтишда ИПХ ходимларининг хизмати катта бўлди. Биз ўз бурчини сиқидилдан бажариш билан республикаимизда тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи посбонларимиздан мамнунмиз".

26 июнь - Халқаро  
ғиёҳвандликка қарши кураш куни

**КЕЛАЖАКНИ АСРАШ  
БУРЧИМИЗ 14-15**

## ДИҚҚАТ! ПИЁДА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 15 июнидан мамлакатимизда "Диққат! Пиёда!" ойлиги бошланди.**

Пиёдалар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида биргалай чора-тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари "Диққат! Пиёда!" тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш гуруҳларини тузди. Унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар қатнашади.

2



**4**  
**ИНСОН ҲАЁТИГА  
ЖАВОБГАРСИЗ**

## ОТАХОНЛАР ИБРАТИ

Сирдарё вилояти ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги Турсунбой Раҳмонов бошчилигидаги бир гуруҳ фахрийлар "Ғалла - 2002" тадбирига жалб этилган ходимларга яратилган шарт-шароит, бугдой донини нест-нобуд қилмай йиғиб олиниши билан танишиш мақсадида ғаллазорларга чиқа бошладилар.

Қариялар ўз эътиборларини ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ташмачиликка қарши кураш ишларига қаратдилар.

Мақтаб ёшидаги болаларга нисбатан хушёр бўлишимиз керак, - деди йиғилишда Гулистон тумани ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Қ. Ҳатамов. - Улар бир челақ бугдой оламан деб, юриб кетаётган автотранспортга осилишяпти. Ота-оналар фарзандлари бир-икки челақ бугдойни деб бирор фалокатга йўлиқиши мумкинлигини унутмаслиги керак.

15 июнь куни Гулистон тумани ИИБ фахрийлари билан учрашиб, у ердаги аҳволни ўрганиб, Сайхунбод туманига йўл олди. Йўлда, Гулистон туманининг Бешбулоқ жамоа хўжалигида, қаршимиздан катта тезликда "ЗИЛ" юк машинаси кела бошлади. Машина шу атрофдаги хонадонлардан бирига кириб кетди. Ҳайдовчининг ҳаракатларидан шубҳаланиб, ўша ҳовлига кирдик. Ҳайдовчи мени кўриб, каловланиб қолди. "ЗИЛ"нинг юкхонаси текширилганда 1200 кг бугдой дони ноқонуний тарзда олиб келингани маълум бўлди. "ЗИЛ" ҳайдовчисини Гулистон тумани ИИБга олиб бориб, йўлда давом этдик - дейди Т. Раҳмонов. - Ўғрилик, ташмачиликнинг олдини олиш, халқ мулки, эртанги ризқимиз бўлган бугдой ҳосилини йиғиб олишга ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Қ. КАРИМОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

3

## Суратли репортаж

# ПАРВОЗИНГИЗ ЮКСАК БЎЛСИН, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!

**Хар қандай жамоанинг эл-юрт олдида сарҳисоб берадиган палласи бўлади. Таълим муассасаси учун бу битирувчиларни ўз бағридан учирма қилишидир. Шу йил 15 июнь куни республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида ҳам навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.**

Неча йилдирки, бу ўқув даргоҳи Ички ва Қоровул қўшинлари, республика ИИБнинг бошқа бўлинмалари учун турли мутахассисликлар бўйича етук, малакали офицер кадрлар етиштириб берапти. Бугун Ватанимизнинг қай бурчагига борманг, уларни учратишимиз мумкин.

Мана, билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниёзов тантанали маросимни очиб деб эълон қилди. Майдон узра Ўзбекистон Мадҳияси янгради. Навбатдаги тантананада саф тортиб турган юзлаб битирувчилар орасида аъло ўқиши, мустаҳкам интизом, намунали хулқи, жамоат ишида фаол қатнашганлиги учун имтиёзли дипломларга сазовор бўлганлар ҳам анча-мунча. Ватан хизматига ўзларини чоғлаб турган йигитлар олий маълумот ва мутахассислик тўғрисидаги дипломларни ўз устозлари қўлидан олаётиб илк бор ҳаяжонланишган бўлса, илк офицерлик инвонини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирининг буйруғини эшитиб яна бир бор ҳаяжонга тушишди.

Бундай лаҳзалар инсон хотирасида ўчмас из қол



диради. Аини пайтда шу кундан эътиборан бу ёшларнинг эл-юрт олдидаги масъулияти ўн, балки юз қарра ошади. Зеро, республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров табрик сўзида айтганидек "Ватан ҳимоячиси бўлиш бу нафақат катта обрў, балки ўта масъулиятли жавобгарликдир. Негаки ҳарбий хизматчи мамлакатимиз учун энг муқаддас бўлган озодлик, мустақиллик ва

худудимиз яхлитлигини таъминлашдек юксак вазифа топширилган".

Битирувчилар номидан сўзга чиққан имтиёзли

диплом соҳиби, лейтенант А. Орипов билим юрти раҳбариятига, устозларига барча ғамхўрликлари учун миннатдорчилик билдирди. У ўзи ҳам, бошқа тенгдошлари ҳам билдирилган юксак ишончни оқлашига ваъда берди.

Ҳарбий билим юртининг Жанговар Байроғи билан хайрлашиш ҳам ёш лейтенантлар учун ўта ҳаяжонли кечди. Улар тиз чўкиб, бош эгиб, Байроқни тавоб қилишар экан,



унинг тимсолида Ватанимизни, меҳнаткаш халқимизни кўз олдиларига келтирганлари шубҳасиз.

Муҳаббатхон опа Мазоҳидова биз билан суҳбатда дил сўзларини шундай изҳор этди:

— Адҳамжон олтинчи фарзандим. Энг каттаси Орёлдаги билим юртини битирган эди. У ерда қандай шароитда ўқиганини билмайман. Бу билим юртини бундан тўрт йил олдин кўрганамда жуда маъқул бўлган эди. Ҳозиргача яна қанча яхши ўзгаришлар бўлди.

Асхад Мирғалиев алоқачи офицер ихтисосини эгаллади. У отаси, милиция подполковниги Асад Мирғалиев изидан бормоқчи.

— Мен иқтисодчилик касбини эгалладим. Ниятим олган билим ва кўникмаларимни ички ишлар идораларида хизматим чоғида татбиқ қилиш, — дейди лейтенант Мурод Исҳоқхўжаев.

Унинг онаси Заропат опа тўлқинланиб суҳбатимизга қўшилди:

— 32 йил боғчада тарбиячи бўлиб ишладим. Бугун мендан бахтиёрроқ она бўлмаса керак. Чунки учинчи фарзандим офицерлик кийимини кийди. Унинг қадди-бастига қараб тўймайман. Ўғилларимизни чиниқтириб, етук кадр қилиб тайёрлаб бераётган ана шундай билим юрти раҳбарларига минг раҳмат!

Навоий вилоятилик битирувчилар З. Бобомуродов, И. Ҳайдаров, Ж. Насруллаев, Ж. Тешаевлар ҳам эл-юрт хизмат



Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

## Диққат! Пиёда!

## ҲАММА ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК

**Бу муҳим тадбирни ўтказишдан мақсад пиёдаларимизнинг ҳаётларини асраш, уларни автофалокатлардан асраш, фуқароларга йўл ҳаракати қондалари ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини ўргатиб боришдан иборат.**

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасига жойлардан келаётган маълумотлар таҳлили пиёдалар иштирокида содир бўлаётган турли кўнгилсизликларнинг сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида республикамиз автомобиль йўлларида пиёдалар билан боғлиқ 2036 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Бу ҳодисаларда 367 нафар ҳамюртимиз ҳаётдан бевақт кўз юмди. 1774 нафар киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олишди. Содир бўлган 2036 та ҳодисанинг 666 тасида пиёдаларнинг ўзлари бевосита айбдор бўлишган.

Сир эмас, аксарият жойларда кекса-ю ёш,

аёл-у эркак барча-барча кўчанинг автомобиллар юришига мўлжалланган қатнов қисмидан, ўзлари хоҳлаган жойидан, ҳаракатланиш хавфсизлиги қондаларини кўпол равишда бузиб, кесиб ўтаверишади. Бу эса улар иштирокида содир бўлаётган турли кўнгилсизликлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Жойларда пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини камайтириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аксарият серкатнов кўчаларда махсус ер ости йўллари қурилган. Лекин афсуски, кўпчилик пиёдалар ўзларига яратилган бу қулайликларга бепарволик би-

лан қараб, озгина эринчоқлик ёки дангасалик қилиб қоидабузарликларга йўл қўйишмоқда.

Энг ачинарлиси, катта ёшдагилар томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар болаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Улар катталарнинг ҳатоларини айнан такрорлашмоқда. Бу эса болалар иштирокидаги турли кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари махсус режа асосида кенг қўламли тадбирларни амалга оширишмоқда. Тадбирда ижобий натижаларга эришиш учун "Йўл ҳаракати қондалари"га қатъий амал қилишимиз, ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий, лекин ҳаёт учун муҳим бўлган талабларига риоя қилишимиз, ён-атрофдагиларни ҳам шунга ўргатиб боришимиз зарур.

**М. РИХСИЕВ,**  
милиция майори.

## Хабарлар

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий шифохонасида тиббиёт ходимларининг касб байрами кенг нишонланди.**

Байрамни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов очиб, йиғилганларни касб кунлари билан қизгин табриклади.

— Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа даврда мамлакатимизда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди, — деди Б. Матлюбов. — Бу ишларнинг ҳаммаси инсон омили, халқимизнинг фаровон яшаши, осойишталиги йўлида қилинди. Юртбошимиз, давлатимиз асосий эътиборни халқимизнинг саломатлигига қаратмоқда. Бу борада ички ишлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини сақлаш йўлида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгра ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хиз-

мат полковниги С. Толипов йиғилганларга республика Ички ишлар вазирининг табриги ҳамда тиббий хизмат фахрийларини мукофотлаш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди. Бир гуруҳ тиббиёт ходимларига республика Ички ишлар вазирлиги Фахрий ёрликлари ҳамда мукофотлари топширилди.

ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов тиббиёт ходимларининг ички ишлар

фахрийлари саломатлигини тиклаш йўлида кўрсатаётган беминнат ишлари ҳақида гапириб, фахрийлар номидан шифокорларга миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, милиция полковниги Х. Зокиров ва бошқалар иштирок этдилар.

Тантана сўнггида таниқли санъаткорлар ўз куй-қўшиқлари билан байрамга файз киритдилар.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

## ОРОЛ БОЛАЛАРИ ЧИМЁНДА

Мана, уч йилдирки, пойтахт вилояти ИИБ ходимлари қорақалпоғистонлик ҳамкасбларига фарзандлари ёзги таътил даврида кўнгилли дам олишларини ташкил этишда ёрдам беришяпти. Яқинда хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки ногиронлик орттирган ходимларнинг бир гуруҳ болалари Чимёнда дам олгани келишди. Уларнинг 30 нафари ўтирган автобусни Чинозда мезбонлар очиб юз билан кутиб олишди. Болалар

бир оз ҳордиқ чиқариб, нонушта қилишгач, йўл-патруль хизмати ходимлари ва ИИБ ШТБХХ бошлиғи ўринбосари М. Собиров ҳамроҳлигида Тошкентдан ўтиб, тоғлар қучоғига йўл олишди. Улар "Алгоритм" акциядорлик жамиятининг "Эльбрус" болалар сихатгоҳига жойлашди.

— Биз экологик оғир ҳудудда яшаётган қорақалпоғистонлик болалардан ёрдамимиз тегаётганидан мамнунмиз, — дейди сихатгоҳ директори Ю. Раҳимжонова. — Илгари Хўжайли

туманидан келган 30 бола яйраб дам олишаётган эди. Энди уларнинг сони 60 нафарга етди.

Болалар тоғда 15 кун бўлишади. Шу давр ичида пойтахт вилояти шаҳарларига саёҳатлар, қизиқарли учрашувлар ва бошқа тадбирлар режалаштирилган.

Болаларга улашилаётган шодлик учун Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ раҳбарияти "Эльбрус" сихатгоҳи маъмуриятига ва Тошкент вилояти ИИБ ходимларига самимий миннатдорчилик билдиради.

**Ж. ОТЕНИЁЗОВ,**  
ички хизмат майори.

"Галла - 2002"

**ДАСТУРХОН ТЎКИН — НАСИБА БУТУН****КЎПНИНГ ҲАҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР**

**Кечагина салгина шаббодадан тўлқин уриб ётган бепоеён буғдойзорлар бугун олтиндек товланади. Республикамиз вилоятларида галла ўрим-йигими қизгин бормокда. Бу йил республикамиз бўйича етиштирилган 1201,6 минг гектар майдондан ҳосил йиғиб олиш учун "Кейс", "Класс" ва бошқа русумдаги 4500 дан ортиқ комбайнлар далага олиб чиқилган.**

**Кунни кеча Сурхондарё вилояти галлакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб галла тайёрлаш бўйича шартнома-режасини муваффақиятли бажардилар. Шу муносабат билан Президентимиз Ислоҳ Каримов сурхондарёлик деҳқонларга табрик телеграммаси йўллади.**

Ҳосил ўрим-йигими ўзига хос покликни, ҳалолликни, эҳтиёткорликни талаб этади. Лекин афсуски, "ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир" деганларидек, пишиқ етилган ҳосилнинг ноқонуний "эгалари" ҳам пайдо бўлиб қолмоқдаки, улар ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонларининг ҳушёрлиги боис тезда қўлга тушиб, эл-юрт олдида шарманда бўлмоқдалар. Бундан ташқари, қилмишлари яшаш жойларидаги судларда кўриб чиқилиб, тегишли қонуний чоралар кўриломоқда. Масалан, Қарши туманидаги Дашт қишлоғида яшовчи

"Чўли ота" жамоа-ширкат хўжалигининг ишчиси У. Наврўз хўжалик галла майдонидан 70 кг. буғдой ўғирлаган. Қамаш туманидаги "Галлакор" жамоа хўжалигида эса фуқаро Т. Собир 70 кг. арпани ўриб, хўжаликка зарар келтирган. Хоразм вилояти Янгибозор туманидан Р. Элдор 83 кг, Андижон вилояти Избоскан туманидан О. Расул 100 кг, Бухоро вилояти Жондор туманида яшовчи Ҳ. Ашур 50 кг. буғдойни яширин равишда олиб кетганлиги фош бўлди. Улар суд ҳукми билан қонунда белгилаган тартибда жарима тўлади-лар.

Омонатга хиёнат катта гуноҳ саналади. Айниқса кўпнинг ризқи бўлмиш галлага нисбатан қилинган гуноҳ кечирилмасдир. Афсуски, "пишиқчилик, олганимни биров билиб ўтирибдими" деган хаёлда ўзига ишониб топширилган ҳосилни ўмарошга интилаётганлар ҳам учрамоқда. Масалан, Сирдарё вилояти Ш. Рашидов туманидаги деҳқон-фермер хўжаликларида бригада бошлиғи бўлиб ишловчи Ж. Ўқтам ўз жавобгарлигида бўлган дала шийпони томига яшириб қўйгани маълум бўлди. Худди шу ширкат

хўжалигидаги яна бир олғир Қ. Шуҳрат эса икки ярим тоннадан ортиқ буғдойни "адашиб" марказий хирмонга эмас, таъмирлаш устaxonаси омборига олиб кириб қўйгани билиниб қолди.

Фарғона вилояти Охунбобоев тумани Пахтакор қишлоғида яшовчи Н. Ҳамиджон, Қ. Раҳмонберди, Қ. Умидлар "халис хизмат" қилиб, тўғрироғи, яширин равишда пудратчи Т. Норматовнинг 516 квадрат метрдаги буғдойни ўриб олишаётганда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, "Қумқўрғон" жамоа хўжалигида ҳам оилавий пудратчи И. Жўраевнинг галла даласидан хўжалик участка бошлиғи Ж. Абдураззоқ салкам юз минг сўмга баҳоланган 1410 кг. буғдойни галла омборига эмас, ўз фойдасига ўзлаштирган. Музробод тумани Навбахор жамоа

хўжалигида юз берган воқеани айтишга одам истиқола қилади. Бу ерда оққорани таниган, қонунни "сувдек ичиб", бошқаларни ҳалолликка бошлаши лозим бўлган хўжалик раиси Х. Қ. хўжалик омборидан 5300 кг. арпа донини 450 минг сўмга сотаётганда ушланган.

Йил бошида шартнома тузишда мардлик қилган айрим раҳбар ходимларнинг "олдин менинг хирмоним тўлсин" қабилида иш кўришига нима дейсиз? Масалан, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги деҳқон-фермер хўжаликларида бирининг раиси А. Э. режа бўйича давлатга 25800 кг. буғдой дони топшириши керак. Лекин ҳосил пишиб етилганда у лафзини унутди: 18 тоннага яқин донни давлат хирмонига эмас, ўз уйига олиб келиб қўя қолди. Туман ИИБ ходимларининг аралашувидан кейин буғдой туман дон маҳсулотларини қабул

қилиш корхонасига топширилган. Гулистон туманидаги 3-хўжалик ҳисобидаги автотранспорт саройида ҳайдовчи бўлиб ишловчи, галла ташиш ишларига жалб қилинган Р. Фарҳод ҳам "қўл ҳақи" сифатида ўз бошқарувидаги автомашинада 1000 кг галлани "Дўстлик" кўрғонида яшовчи фуқаронинг уйига ташлаб чиқаётганда ИИБ ходимларининг қўлига тушган.

Галла ҳосили қисқа муддатда йиғиб олинади. Ҳосил ўз эгалари — халқимизга етказиб берилди. Шу қисқа фурсатда нафсига қўл бўлиб, қинғир ишга қўл урганларнинг эса ҳамюртлари олдида шарманда бўлгани, қонуний жазо олиб, қизаргани қолади.

Ўрим-йигим даврида ўз касб маҳоратини намоён қилаётган ички ишлар ходимларига, посбонларимизга куч ва омад тилаган ҳолда эл ризқига кўз олайтираётганларга "эҳтиёт бўлинг, кўпнинг ҳақи тешиб чиқади", деймиз.

**О. СОТИМОВ,**  
милиция подполковниги.

**БУҒДОЙ — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ**

**Навий вилоятининг Хатирчидан бошқа барча туманларида галла ўрим-йигими авж палласига кирган. Айниқса, Ўртачўл массивида иш қизгин. Ҳадемай тоғолди Хатирчи туманида ҳам ўрим-йигим суръатлари ошади. Галлазорларга оддий кўз билан қараганда ҳам билинади — бу йилги ҳосилнинг чўғи баланд. Эндиги вазифа Яратганининг инояти, деҳқоннинг меҳнати билан етиштирилган эл ризқ-рўзини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш.**

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари бу тadbирни уюш-қоқлик билан ўтказишга ўз соҳалари бўйича олдиндан тайёр-гарлик кўрдилар. Ўрим-йигимга жалб этиладиган барча транспорт воситалари кўриқдан ўтказилди. Ишчи-хизматчиларга хавфсизлик қоидалари тушунтирилди. Хўжаликлар, омборхоналар, автокорхоналар ёнғин хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан текширилиб, ўндан зиёд масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳозирда галла майдонларида, омборхоналарда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишига кўплаб ходимларимиз жалб қилинган. Бошқармада ташкил этилган "Галла — 2002" тезкор штаби ишчи туруҳига мавжуд вазият, аниқланган қоидабузарликлар, камчиликлар юзасидан маълумотлар келиб турибди. Жойларда тadbирга масъул раҳбарлар ҳам зарур чора-tadbирларни кўришяпти.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси махсус қўлланма иш-

лаб чиқиб, жойлардаги ички ишлар идораларига юборди. Унда "Галла — 2002" тadbирига жалб қилинган ҳар бир ходимнинг хизмат вазифаси белгилаб берилган. Бу эса ишнинг сама-



рили бўлишини таъминляпти. Комбайнга биркитилган милиция ходими ҳам, постда турганлар ҳам, омборхоналарда хизмат ўтаётганлар ҳам нималарга жавобгарлигини, турли вазиятларда қандай ҳаракат қилишля-

ри лозимлигини аниқ билишадди. Бундан ташқари, ҳаракатдаги гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб, улар кечаю кундуз хизмат ўташади. Баъзи туманларда отлик милиционерлардан ҳам фойдаланиляпти. Улар галла майдонларида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қўл келяпти.

Ҳар кунни механизаторлар, ҳайдовчилар тиббий кўриқдан ўтказилаяпти. Техниканинг шайлиги, бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланганлиги, учқун тутқичлардоимий назорат остида.

Афсуски, "ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир" қабилида иш тутувчилар ҳам учраб турибди. Йўл-патруль хизмати ходимлари "Навоизот"

блок-постида "Сарбон" автокорхонасига қарашли "Зил-130" машинасини тўхтатишди. Текшириб кўрилганда ҳайдовчи К. Х. 50 кг. буғдойни капот ичига яшириб олиб кетаётгани аниқланди. Навий шаҳрилик ҳайдовчи Ш. А. эса машинаси юкxонасига нақ ярим тонна буғдойни ноқонуний бекитгани фош бўлди.

Қизилтепа туманининг Ўртачўл массивида ҳам ана шундай кимсалардан яна бири аниқланди. Чорраҳада тўхтатилган Қ. Ҳ. бошқарувидаги "Дамас" салонидан 4 қоп буғдой топилди. У тортиб кўрилганда ҳайдовчи ўмарошга уринган галла 210 кг. бўлиб чиқди.

Деҳқонларимиз етиштирган дон элнинг ризқи. Ўзимиз ҳам шу элнинг фарзандларимиз. Кўпнинг ҳақини баднафслардан, ўт балосидан асраш, ўрим-йигим чоғида техника ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни қилиш бизнинг бурчимиздир.

**Д. РЎЗИЕВ,**  
милиция подполковниги.  
Суратларда: ўрим-йигим тadbиридан лавҳалар.

**МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ**

Бу йил Тошлоқ туманида 4790 гектар ерда буғдой етиштирилди. Ҳозирги кунда ўрим-йигим қизгин тус олган. Осойишталик посбонлари ҳосилни нест-нобуд қилмай давлат омборига етказишни таъминлаш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда. Айниқса, буғдой даласи четига мол боғлаб, етилган доғни пайҳон қилиш ҳоллари, ёнғиннинг олдини олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли Х. Мароziқов номли ширкат хўжалиги далаларида қорамол боққан Б. Сатторов, М. Ҳасанов, И. Ҳотамовлардан суд ҳукми билан жарима ундирилди. Дон ўғирлаган фуқаролар ҳам жарима тўладилар.

Буғдойни йиғиштириб олишни назорат қилиш учун туманда 8 та кузатув пости ташкил қилиниб, уларга эллик нафар милиция ходими жалб этилган. Осойишталик посбонлари ўн та ширкат хўжалигидаги буғдой ўрими-ни назорат қилмоқдалар.

Мақсад белгиланган режани удалаш, яъни 22080 тонна ҳосил давлат омборига тўлиқ бориб тушишини таъминлашдир. Бу ишда милиция капитани Иномжон Исмоилов, милиция майори Тўхтасин Мамасаидов каби кўплаб посбонлар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

**М. КИМСАҒОЕВ.**

## Мулоҳаза



# ИНСОН ҲАЁТИГА ЖАВОБГАРСИЗ

## АФСУСКИ АЙРИМ ҲАЙДОВЧИЛАР БУНИ УНУТИБ КЎЙИШМОҚДА

**Автомобиль ҳалокати ҳақида хабар олинган захоти етиб борган гуруҳ аъзолари автомашинанинг ҳолатини кўриб, сабабини тушуниб етдилар. “Дамас” катта йўл четида турган “КамАЗ” русумли юк машинасининг орқасига келиб урилганди. Ҳайдовчи ва унинг ёнида кетаётган йўловчи жиддий жароҳат олишган. Йўловчиларнинг гувоҳлик беришича, тўғри келаётган машина бирдан бурилиб, автоҳалокат содир бўлган.**

— Кейинги пайтда “Тошкент—Ўш” йўлида бундай воқеалар учраб турибди, — деди Тошкент вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлинма сардорининг муовини, милиция майори А. Кафизов. — Аксарият ҳолларда ҳайдовчилар чарчаб, толиқиб, ухлаб қолишлари натижасида машинани йўл четидаги тўсиқларга, дарахтларга урадилар, қарши томонга чиқиб кетадилар. Водийдан киракашлик мақсадида Тошкентга қатнаётган энгил машиналар эгалари, ижарачи ҳайдовчилар озмунча йўл босишмайди. Қамчиқ довонидан ўтиш жараёнида ҳар қандай ҳайдовчи руҳий толиқади. Гоҳ тепалик, гоҳ пастликка тушиш, бир томони тоғлик, бошқа томони эса тубсиз жарлик йўлдан юриш осон эмас. Довондан ўтгач, энгил тин ол-

ган ҳайдовчининг чарчоғи бир оз ёзилиб, уйку элта бошлади. Мудраб, автоҳалокат содир этаётган ҳайдовчилар буни тасдиқлайдилар.

Инсон аввало ўз имкониятини яхши билиши керак. Яъни, куч-қувватини керагидан ортиқча сарфлашга ўзини мажбур қилиш толиқишга олиб келади. Машина бошқарётган кишининг қай тарзда куч-қувват сарфлашини таърифлашга ҳоҷат бўлмаса керак. Халқимизда “йўл азоби, — гўр азоби” деган нақл бор. Бу бироз кўпол эшитилса-да, йўл юришдаги толиқиш энгил чарчаш эмас. Фарғона водийси вилоятларидан қатнайди-ган киракаш ҳайдовчиларнинг айримлари етиб борган манзилда бир оз дам олмасдан, мижозларни бошқалардан қизганиб, яна йўлга чиқавришади. Оз эмас, 4 — 5 соат тинимсиз машина

бошқариш ҳар қандай кишини толиқтиради.

“Чинор” йўл-патруль хизмати масканида вилоят ИИБ ЙХХБ ходимлари юк ортган, йўловчилар ташийдиган машиналарнинг ҳайдовчиларига бир оз дам олишни тавсия этишади. Бу ерда чойхона, ошхоналар бор, ҳордиқ чиқариш учун шaroит етарли. Ҳар қандай кишини ўзига тортадиган, бир дам ором олиб кетишга чорлайдиган бу маскани четлаб ўтадиганлар ҳам топилади.

— Ходимларимиз асосан йўловчи ташийдиган киракаш ҳайдовчиларни тўхтатиб, дам олиб кетинг, чарчаб келяпсиз, дея огоҳлантиришади, — деди А. Кафизов. — Албатта, бу билан рўй бераётган кўнгилсиз воқеаларнинг тўлиқ олдини олиш мушкул. Чунки айрим ҳайдовчилар, вақтида солиқ пулини тўлаб турибман-ку, ҳадеб текширавера-

сизларми, деган гапларни айтишади.

Ҳайдовчининг масъулияти фақат ҳужжатлар билан боғлиқ эмас. Киракашлар кўпроқ “Дамас” русумли автомашинадан фойдаланишади. Ҳайдовчи машинадаги ҳар бир йўловчининг ҳаёти учун жавобгар эканлигини унутмаслиги керак. Айнан ҳайдовчининг айби билан йўловчилар жабр кўраётгани, жароҳат олиб, ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмаётганлиги ҳақида мисоллар келтириш мумкин. Наманганлик йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати хабарлари буни тасдиқлайди:

“Тошкент — Ўш” автомобиль йўлининг 192-километрида Андижон шаҳрилик Ҳ. Хотам “Дамас” русумли автомашинани бошқариб бораётиб рулда чарчаб қолиши оқибатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмаган. Натижада транспорт воситаси йўлнинг чап томонига чиқиб кетиб “Тисо” да келаётган Янгикўрғон туманида яшовчи А. Акмал ва йўловчи Ҳ. Насибалар оғир тан жароҳати олишган”.

“Тошкент — Ўш” йўлининг 193-километрида Данғара туманида яшовчи Б. Акрамов “Тисо” русумли автомашинасини бошқариб бораётиб рулда чарчаб қолиб, қатнов қисмини ажратувчи бетон тўсиққа урилган. Натижада ҳайдовчининг ўзи ва йўловчи Ф. Матқабиллов тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган”.

Бундай нохуш хабарларни яна келтириш мумкин. Шу ўринда яхши ниятлар билан фуқароларнинг узоғини яқин қилаётган ҳайдовчилар, турмуш ташвиши билан пойтахт бозорларига келиб-кетаётган фуқаролар, юмуш билан қатнайди-ган юртдошларимизнинг йўл-транспорт ҳодисаларига учраб қолаётгани кишини ташвишга солади.

Суриштирув, текширувлар таҳлили рўй

бераётган кўнгилсиз ҳодисаларда асосан ҳайдовчилар айбдор эканлигини кўрсатяпти. Лекин, шундай экан дея бепарво бўлиш ўринсиз. Чунки, йўл-транспорт ҳодисаларида инсон тақдири ётибди.

— Менимча, узоқ масофага қатновчи киракаш ҳайдовчилар учун алоҳида бир тартиб жорий этиш керак, — деди А. Кафизов, — айтайлик, ҳайдовчи бир кун ишлаб, эртасига дам олсин. Бунинг учун Тошкентда ва водий шаҳарларида назорат пунктлари ташкил этиш зарур. Киракаш ҳайдовчиларнинг иш тартиби назорат қилиб турилади. Ана шунда улар вақтида дам олиб, кейин яна йўлга чиқишлари мумкин.

— Тирикчилик вазидан киракашлик қилаётган ҳайдовчиларни назоратга олиш лозим, — деди Наманган вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги З. Хусанов. — Бунинг учун уларни бир уюшмага бирлаштириш керак. Уюшмада ҳайдовчиларнинг патент тўлаши, иш тартиби билан бирга тиббий кўрикдан ўтишларини ҳам ташкил этиш лозим. Киракаш ҳайдовчилар йўлга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари шарт қилиб қўйилса, чарчаган ҳайдовчиларнинг йўлга чиқишига рухсат этилмайди.

Бошқа таклифлар ҳам киритиш мумкин. Энг муҳими, уни ташкил этиш, амалга ошириши керак. Албатта, биргина ташкилот саъй-ҳаракати билан мақсадга эришиш мушкул. Биринчи гада маҳаллий ҳокимликлар масалага жиддий эътибор бериб, мутасадди ташкилотларни жалб этган ҳолда, муайян тўхтама келишлари зарур. Вақт кутиб турмайди. Гап инсонлар тақдири ҳақида бораётган экан, бу муҳим ишга тезда киришиш талаб этилади.

С. ШАМСИДИНОВ.

## Қисқа сатрларда

## МОЛ

## “ШАЙДОЛАРИ”

Эрталаб молхонасидан хабар олган Узун тумани “Хонжиза” қишлоғида яшовчи Ж. Ҳамроев ва Д. Маҳматқуловлар биттадан қорамоли йўқолганлигини билиб, эсанкираб қолишди. Улар молларини суриштириб бормаган жойлари, сўрамаган кишилари қолмади. Шу воқеадан 10 кун ўтгандан сўнг эса туман ички ишлар бўлимига хабар беришга мажбур бўлишди. Туман ИИБ ходимларининг тезкор қидирув ишлари натижасида иккала жиноятни содир этган шахслар далилий ашё билан қўлга олинди. Ўғри ҳам бегона эмас экан. Ишлайдиган жойининг тайини бўлмаган 31 ёшли Н. К. ва 22 ёшли Ҳ. С. ларнинг ҳамқишлоқлари олдида юзлари шувут бўлиб қолди.

\*\*\*

Термиз шаҳрида яшовчи Н. Худойбердиевнинг молхонасидан тўрт бош мол ўғирлаб кетилган эди. Тезкор суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни содир этган шахслар далилий ашё билан ушланди. Илгари судланган бўлишига қарамай ўзига тегишли хулоса чиқариб олманган, шаҳарнинг Усмон Носир кўчасида яшовчи Ҳ. Р. ва Термиз туманилик Ҳ. А. лар энди қонун олдида жавоб берадилар.

## ТИРКАМАГА

## ОСИЛМАНГ!

Шеробод туманидаги Э. Бердиев ширкат ҳўжалигига қарашли “МТЗ-80” русумли трактор тиркамасига осилган Навбоғ қишлоғилик Илҳом Хоналиев йиқилиб тушди. Натижада олган оғир даражадаги тан жароҳати туфайли воқеа жойида бу оламдан кўз юмди. Эндигина 18 баҳорни қаршилаган Илҳом шўхлик қиламан деб ўз умрига зомин бўлди.

## ҚОНУНБУЗАРЛАР

## ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Самарқанд вилояти Ургут туманида яшовчи Шукурullo бошқарувидаги “КамАЗ-5320” русумли автомобиль Шеробод йўл ҳаракати хавфсизлиги мунтазам масканида текшириб кўрилди. Шунда юкхонадаги пиёз остида 8 тоннадан ортиқ 900 минг сўмликка яқин алюминий парчалари ноқонуний олиб кетилаётгани аниқланди. Юкнинг эгаси Ж. Муҳаммади шунча металлни қасрдан ва кимдан олганлиги ҳақида жавоб беради.

С. НОРМУРОДОВ,  
милиция капитани.

**Ҳар бир инсон ўз соғлигини асраш, касалликка чалинмасликка интилади. Лекин иссиқ жон, баъзан эътиборсизлик туфайли киши саломатлиги ёмонлашади. Шунда у шифокорга боради, дори-дармонлар излашга тушади. Бироқ уларнинг айримлари шифо бермайди. Сабаби қалбаки, давлат стандартлари ва санитария меъёрларига жавоб бермайдиган дори-дармонлар билан савдо қилиш ҳоллари учраб турибди.**

“Тадбиркорлар” мўмай даромад орттириш учун ҳеч қандай қабиҳликдан қайтишмаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда линекс, бисептол, капотен каби аҳоли эҳтиёжи учун кўп талаб қилинадиган бир қатор дори-дармонлар қалбакилаштириш ҳоллари учрамоқда. Бошқа давлатлардан яширин йўллар билан олиб келаётган те-

кин даромад топиш йўлида юрган кимсалар ушбу дори-дармонларнинг инсон саломатлигига етказадиган зарарини ўйлаб ҳам кўришмаяпти. Касални даволаш учун сохта дори-дармонлардан фойдаланиб, бошқа хасталик-

## ҚАЛБАКИ ДОРИ КИМГА ДАВО?

ни орттираётганлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқар-



масига Юнусобод туманида бир гуруҳ шахслар ноқонуний равишда қалбаки дори-дармонлар савдоси билан шугулланаётганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида А., ака-ука В. ва О. лар “Юнусобод” бозорида қалбаки дори-дармон билан савдо қилаётганларида қўлга олинди.

Улар ўзлари шифокор бўла туриб, 3—4 сўм фойда олиш учун юртдошларимизга келтираётган зарар ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган.

— Мамлакатимиз ҳудудида сифат назоратидан ўтмаган, қайд этилмаган дори-дармонларни сотиш, тиббиёт амалиётида қўллаш қатъиян ман этилади, — деди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармонлар ва тиббий техник воситалар сифатини назорат қилиш бошқармаси лаборатория муdiri Азиз Дўсматов.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА.

# UCHINCHI «Dostiga» gazetasining ilovasi

## + TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

## ҚОР ОДАМ БИЛАН ТЎҚНАШУВЛАР

**Челябинск шаҳрида истикомат қилувчи биолог Николай Авдеев 1984 йилдан бери ҳар йили бир гуруҳ ташаббускорлар билан биргаликда қор одамни излаб топиш мақсадида кимсасиз тайга ўрмонларига жўнаб кетади. Унинг биринчи экспедицияси Кутб Уралига бўлган эди. Ўшанда экспедиция аъзолари илк марта гаройиб маҳлуқнинг изини топиб, суратга туширишга муваффақ бўлишган. Бундай муваффақиятдан руҳланган тадқиқотчилар тайганинг ушбу овлоқ жойларини қайта-қайта кезишди. 1989 йили экспедиция аъзоларидан бири қор одам билан деярли юзма-юз тўқнашди. У лагерга жуда яқин келган, лекин шу заҳоти куюк чангалзорларга ўзини уриб, бир зумда кўздан ғойиб бўлган...**

**Шундан кейин экспедиция Фарбий Сибирга жўнаб кетди. Миш-мишларга қараганда, шу жойда қор одам яшар экан. Маҳаллий аҳоли уни излаб топишга имкон даражасида ёрдам кўрсатди. Уларнинг кўмаги билан қор одамнинг анча аниқ қиёфаси яратилди: улкан, бўйи 2,5 метрдан зиёдроқ бу маҳлуқ хиёл букчайиб юраркан. Вужудини оқиш рангдаги юнг қоплаган, қўллари узун, тиззасига қадар етади, бошининг шакли ва юзининг шамойили маймунни эслатади. Бениҳоят кучли, бироқ инсонга нисбатан ўзини хотиржам тутати. Афсуски, экспедиция аъзолари бу гал ҳам қор одам билан учрашишга муваффақ бўла олмадилар.**

мон йўл олди. Олдинда “Москвич” автомобили кетиб борарди. Сулеи тоғи этакларига етганда автомашина кутилмаганда кескин тормоз берди. Хамма йўловчилар машина де-

бўлганини ҳикоя қилганди: “1992 йил 3 октябрь куни биз оила аъзоларимиз билан биргаликда ўрмонга пиёда жўнаб кетдик. Мен “Кай” лақабли итимни ҳам ўзим билан бирга

луқ шоша-пиша тоғ томонга жуфтакни ростлаб қолди. У кўп жиҳатдан маймунга ўхшаб кетарди — қўллари узун бўлиб, тиззасига етиб турарди. Бўйи икки метрдан зиёдроқ, бада-ни юнг билан қопланганди”.

### КАРТОШКА ЎФРИСИ

Николай Авдеев қор одамнинг изидан борар экан, ўз экспедицияси билан кўп вақтини Сатки дарёси теварак-атрофларида ўтказди. “Шайтон” водийсида экспедиция аъзолари ақл бовар қилмас воқеаларни бошдан кечирдилар. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини роса татиб кўрган, таъбир жоиз бўлса, тегирмондан бутун чиқадиган ана шу одамларнинг вужудини кутилмаганда кўрқув ва ташвишланиш ҳислари қамраб ола бошлади. Бу жойларда қор одамларнинг излари тез-тез учрай бошлади. Нургешда эса экспедиция аъзолари томон тошлар улоқтирилди...


Челябинск журналистлари-га берган интервьюсида Николай Авдеев шундай ҳикоя қилганди: “Қоқ туш маҳалида мен ҳайвонлар сўқмоғи бўйлаб бўронда синиб тушган улкан дарахт томон йўл олдим. Уни айланиб ўтиб, лагерга қайтиб келмоқчи эдим. Бироқ дарахт томонга беш-олти қадам босганимни биламан, унинг ортидан танаси оқиш тусдаги юнг билан қопланган улкан бир маҳлуқ қад ростлади. Ба-

ҳайбат, бўйи уч метр келадиган гуманоид уч туриб қолди. Орадан бир неча лаҳза ўтиб, у камина томон ташланди. Мен базўр қочиб қутулдим”.

Яқинда Николай Авдеевнинг ҳамкасби, биолог Юлия Люсинова Урал экспедициясидан қайтиб келди. У шундай ҳикоя қилади: “Биз белгиланган жойга етиб келганимизда, маҳаллий аҳоли ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда қор одам бу ерларга тез-тез қадам ранжида қилиб турганлигини сўзлаб беришди. Участка милиционер-и бу фикрларни тасдиқлаб, қор одам мўмин-қобил эканлиги, ҳеч кимга тегмаганлиги, зиён-заҳмат етказмаганлигини тасдиқлади. Кунларнинг бирида мен навбатчилик қилаётгандим. Бир челақ картошкани то-заладим-да, бак ёнида қолдирдим. Кутилмаганда ит қаттиқ вовулади. Кейин эса ниманингдир тарақлаган товуши эшитилди. Оргимга ўгирилиб, қуйидаги манзарани кўрдим: қор одам бизнинг лагеримиздан ўрмон томон қочиб бормоқда эди, қўлида боя мен то-залаган бир челақ картошка! Алоқачимиз Серёжа бўлса, милтиқ кўтарганча бак ёнида типирчиларди. У, афтидан, шошиб қолганидан, осмонга қарата ўқ узди. Ғалати маҳлуқ бўлса, картошка тўлдирилган челақни маҳкам тутганича, кўздан йўқолди”.

Юля билан Сергейнинг айтишларига қараганда, қор одамнинг жуссаси улкан, танаси бошдан-оёқ юнг билан қопланган, сиртдан қараганда, унинг бўйни йўқдек кўри-нади. Қўллари узун, тиззасига қадар етади. Маҳлуқ жуда тез югурарди. Қор одам кўздан пана бўлиб, одамлар вужудини қамраб олган кўрқув ҳисси орта чекингач, унинг изларини кўришди. Қор одамнинг излари, тирноғи йўқ демасангиз, айикникидан сира фарқ қилмасди.

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди.



### ҲАРБИЙ БЎЛИНМА ЁНИДАГИ ҲОДИСА

Навбатдаги гуруҳ Челябинск шаҳридан унча узоқ бўлмаган Новогорний кўрғонига жўнаб кетди. Олинган маълумотларга қараганда, қор одам ўша жойларда бир неча марта учратилган. Бундан олдин эса мазкур ҳудудда жойлашган ҳарбий бўлинмаларнинг бирида ғоят гаройиб ҳодиса бўлиб ўтганди. Прапорщик Юрий Волков шундай ҳикоя қилади: “Аъзон баданини юнг босган маҳлуқ билан юзма-юз келгунимга қадар икки кун давомида аскарларнинг қор одам тўғрисидаги ҳикояларини диққат билан тингладим, қоронғилик тушиши ҳамано унинг ваҳимали айюҳаннос солишларига кулоқ солдим. Ўша сентябрь оқшомида йўлга тушдим. Ўрмон ичкараси томон бир километрча йўл босдим. Кутилмаганда ботқоқлик томондан ҳамма ёғини юнг босган, бўйи 2,5 метрдан баландроқ бир маҳлуқ чиқиб келди. Мендан ўн беш одимча нарида турган маҳлуқнинг бутун жуссасидан куч-қудрат ёғилиб турарди. У гарчи менга кўз қирини ташлаган бўлса-да, унча эътибор бермасдан, хотиржам юриб борарди. Шундан сўнг у яна кутилмаганда дарахтлар орасида ғойиб бўлди”.

1991 йил июнь ойи оқшомларидан бирида Александр Наскин рафиқаси билан бирга мотоциклга минганича Сулеи қишлоғидан чиқиб, Сатки то-



разаларига қапишиб қолишди. Эр-хотин Наскинлар ҳам ўша томонга бир нигоҳ ташладилар-у, ҳайратдан тошдек қоғиби қолишди: йўлдан саккиз метрлар чамаси нарида, бутазорлар орасида улкан, вужудини юнг босган, одамсимон бир маҳлуқ турарди. Унинг анча сийрак юнги оқиш тусда эди. Қўллари тиззасидан пастга тушган маҳлуқ шошилмасдан, хотиржамлик билан одамларга назар ташлади-да, буталар ортида ғойиб бўлди.

Златоуст шаҳрида истикомат қилувчи В. Шипицин эса қуйидаги ҳодисанинг гувоҳи

эргаштириб олгандим. Куваш дарёсига етмасдан пичанзорлар томон олиб борадиган йўлга бурилдик. У ердан мен “Кай” билан биргаликда Каменки дарёси томон йўл олдим. Қалин ўрмон бўйлаб ўтиб борарканман, ағдариб ташланган улкан дарахт ортидан қандайдир улкан бир маҳлуқ чиқиб келди-да, менга орқасини ўтирганича туриб қолди. Ўт-ўланлар ниҳоятда ғовлаб кетганлигидан мен маҳлуқнинг белидан юқори қисмини кўра олдим, холос. “Кай” ақиллашни бошлади. Мен уни занжирда базўр тутиб турардим. Мах-

## ИШОНИШ ҚИЙИН, АММО ҲАҚИҚАТ




## ДУНЁДАГИ ЭНГ КУЧЛИ ЗАҲАР

Жанубий Америкада (Колумбиянинг ғарбий қисмида) яшовчи ва "ўта кабиҳ" деб ном олган бу қурбака ўзининг терисида жойлашган сўлак безлари воситасида дунёдаги энг кучли заҳар — батрахотоксинни ишлаб чиқаради. Мазкур заҳар фақат 1973 йилга келиб кашф этилди. Битта вояга етган қурбака иш-

лаб чиқарган заҳар билан бир ярим мингта (!) одамни нобуд этиш мумкин. Бироқ шуниси қизиқки, мазкур жойларда яшовчи, "Коста-Рика леймадофиси" деб ном олган илон рўпара келган бунақа қурбакаларни пок-покиза тушираверади ва бундан бирон-бир зиён-заҳмат кўрмайди.

## ТОҒМИ ЁКИ ТАҒДИР?

Тожикистонда ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга соловчи Ягноб дарасида бир тоғ мавжуд бўлиб, унинг бағридаги ёриқлардан туну кун газ ва тутун бурқсираб чиқиб туради. Тоғ шу даражада қизиқ кетганки, унинг тирқишига қуруқ пайраха тиксангиз дарҳол ёна бошлайди. Бунинг сири шундаки, тоғ бағирларида тошқумир қони жойлашган бўлиб, қачонлардир кўмир бизга номаълум сабабларга кўра ёна бошлаган. Мана, юз йилдан зиёд вақтдан бери мазкур ерости ёнғини давом этмоқда.




## "ТҮРТ ҚАВАТЛИ" КҮЛ

Баренц денгизининг Кильдин оролида табиатнинг гаройиб мўъжизаси — "тўрт қаватли" кўл жойлашган. Кўлнинг биринчи қатлами чучук сувдан иборат. Бу "қават"да чучук сувга хос балиқлар яшайди. Ундан сал қуйроқдаги "қават"да шўр сув мавжуд

бўлиб, мазкур қатламда денгиз балиқлари — треска, камбала, денгиз окуни учрайди. Яна қуйроқда эса тўқ-қизил рангдаги бактериялар салтанати ўрин олган. Кўлнинг тўртинчи "қавати" — энг туби ўлик зона деб аталади. Бу ерда ҳаёт йўқ деса ҳам бўлади.

## ҚАДИМГИ МИСРДА КОКАИН ВА НИКОТИН БЎЛГАНМИ?

1992 йилда россиялик тадқиқотчи аёл, суд тиббиёти эксперти Светлана Балабанова бундан икки минг йилдан кўпроқ вақт аввал қадимги Миср маданиятига хос мумиёланган жасадлар таркибида никотин, наша ва кокаин моддалари мавжудлигини аниқлади. Таажжубланарли жойи шундаки, ўша даврларда кокаин ўсимлиги ва тамаки фақат Жанубий Американинг тропик ўрмонларидагина мавжуд эди. Мазкур гиёҳвандлик моддаларининг дастлабки намуналари Европага (мазкур қитъа орқали эса Африкага) фақат XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошларида келтирилгани маълум. Бундан келиб чиқадики, қадимги мисрликлар Колумбдан кўп асрлар аввал Америка қитъасида (бир неча марта!) бўлишган экан-да?! Эҳтимол, Мексикада савлат тўкиб турган, шаклу шамойили туб аҳоли — хиндуларга мутлақо ўхшамайдиган негроид ирқиқа мансуб кишиларнинг ҳайкаллари пайдо бўлиши ана шу алоқа қадимдан мавжудлигининг исботидир?!



## ИНСОН ҲАҚИДА ЯНА НИМАЛАР БИЛАМИЗ?

Инсон юраётган чоғида 0,1 от кучига тенг бўлган қувват сарфлар экан. Шуниси эътиборга моликки, эркак киши юрагининг оғирлиги 280 граммга, аёлники эса 220 граммга тенгдир. Одамзоднинг юраги бир дақиқа давомида 5 литрга яқин қонни томирларга ҳайдаб беради. Қонимизнинг ҳар бир томчисида 5 миллионгача қизил қон таначалари (кислородни олиб ўтувчи эритроцитлар) мавжуд. Танамиз атмосферанинг 20 тоннага тенг бўлган улкан босимида бардош беради.

## "ЮРАК" БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Америка Қўшма Штатларининг Портленд шаҳридаги Илм-фан музейида инсон юрагининг энг катта модели ўрнатилган. Унинг эни 4 метр, бўйи эса 6,5 метрни ташкил қилади. Бу ерга ташриф буюрган томошабинлар ушбу улкан "юрак"нинг ичига кириб, унинг "томирлари" бўйлаб қоннинг босиб ўтган йўлини бирма-бир кўриб чиқишлари мумкин.



## ТУЗДАН ҚАД КЎТАРГАН ШАҲАРЧА

Жазоирда Фази деган шаҳарча мавжуд бўлиб, ундаги ҳамма-ҳамма уйлар — пойдеворидан тортиб томигача тоштудан қад кўтарган. Мазкур жойдаги қалъа, унинг миноралари, ҳатто шаҳарчани қуршаб олган деворлар ҳам ана шу антиқа қурилиш ашёсидан барпо этилганлигини айтмайсизми? Ушбу ҳудудларда туз ниҳоятда арзон, камдан-кам ёғадиган ёмғирлар эса биноларга бирон-бир жиддий хавф-хатар етказмайди. Гапнинг қисқасини айтадиган бўлсак, мазкур қурилиш ашёси ўзини тўла-тўқис оқлади.



## ФИЛ СУЯГИ ЎРНИНИ БОСА ОЛАДИ

Эквадор ўрмонларида ўсаётган бир турдаги хурмо дарахлари катталиги инсон бошига тенг келади-ган мевалар беради. Меъеридан ортиқ пишиб етилган меваларнинг ўзига оплоқ бўлиб, қаттиқликда фил суюғидан қолишмайди. Устига-устак, мазкур мевалар чидамлилиқ борасида фил қозиқ тишлари билан бема-

лол беллаша олади, улар на захни, на иссиқни, на совуқни писанд қилади. Ҳатто қайноқ сув ҳам уларга таъсир кўрсата олмайди. Шу сабабли Эквадорда ушбу хурмо меваларидан турли-туман тақинчоқлар, тугмалар, тасбеҳлар, шоҳмот дончалари ясалади. Сиртдан қараганда, уларни ҳақиқий фил суюғидан ажрата олмайсиз.

## "ДЕНГИЗ ОДАМЛАРИ"

Таиланднинг Хинд океани соҳилларидаги чангалзорларда чоулей қабиласи топилди. Маҳаллий тилда бу ибора "денгиз одамлари" деган маънони англатади. Жами аҳолиси қарийб ўн минг кишини ташкил этувчи қабиланинг бутун ҳаёти, урф-одатлари, таомиллари денгиз билан чамбарчас боғлиқдир. "Денгиз одамлари" қабиласида шундай бир ривоят бор: унга кўра, агар кимда-ким денгиздан унинг тўлқинлари қирғоққа келиб урилиши саси эшитилмайдиган масофага узоқлашса ҳалок бўлади. Шу сабабли аҳоли денгиздан унча узоқ бўлмаган қишлоқда истикомат қилиб келади.

## УММОН ТУБИДАГИ БАЛИҚЛАР

1970 йили америкалик олим Гилберт Босс илмий-тадқиқот кемасида океanning 8300 метр чуқурлигида узунлиги 16 сантиметрга тенг балиқни тугган. Доктор Жак Пикар ва АҚШ ҳарбий-денгиз флоти лейтенанти Дон Уолш 1960 йил январь ойида "Триест" сувости кемасида Жаҳон океанининг энг тубига тушаётган чоғда 11 километрга яқин бўлган чуқурликда камбалага ўхшаш балиқни кўришганди.



## КАКТУСЛАР: КУТИЛМАГАН ХАВФ-ХАТАР

Бундан бир неча йил аввал арманис-тонлик 17 яшар қизнинг билагига тасодифан кактус тиканлари кириб кетди. Қиз тиканларни осонгина сугуриб ташлади ва юз берган бу арзимас ҳодисани унутиб юборди. Бироқ орадан бир ҳафта ўтиб, жароҳат ўрнида мўйловсимон бир тук пайдо бўлди. Қиз уни тасодифан кириб қолган зирагча деб уйлаб, сугуриб ташлади. Орадан бир неча кун ўтиб, худди ўша жойда яна талай мўйловсимон туклар ўсиб чиқса бўладими? Поликлиникада қизнинг баданидаги мазкур тукларни сугуриб ташлади ва уларнинг ўрни дори билан яхшилаб ишлов берилди. Бир ҳафта ўтиб,

мўйловсимон туклар тагин ўсиб чиқди, ҳа, айнан ўсиб чиқди.

Синчковлик билан олиб борилган гистологик таҳлил қизнинг баданида оддий ҳужайралар қаторида мутлақо номаълум бўлган ҳужайралар ҳам борлигини кўрсатди. Мутахассислар учун ҳали талай саволлар жавобсиз қолмоқда. Бироқ асосий яқун қуйидагича: кактус нишлари ярачалар орқали одамлар ва ҳайвонлар танасига кириб кетиши мумкин экан. Қиз билан юз берган ҳодисани инсон танасига уя қуриб олган олий турдаги ўсимликнинг тасодифий текинхўрлиги деб баҳолаш мумкин.

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ - I

Телетомошабинлар диққатига! "Ўзбекистон" телеканал...

ЎзТВ - II

Профилактика муносабати билан душанба 24 июни куни "ЁШЛАР" телеканал...

17.55, 19.10, 21.35 "Экспресс" телегазетаси. 18.15 "Болажонлар экран..."

ЎзТВ - IV

17.05 "Мультисеанс". 17.15 Бугун оламда. Ахборот кўрсатуви.

ЎзТВ - III

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал "Официна баридан чиққан фибригарлар".

OPT

14.00 Новости (с субтитрами). 14.15 "Страна чудес". Комедия "Эх, прокачу!"

РТР

2.50 - 6.00 УТРО НА РТР. 2.50, 3.50, 4.50, 5.50 ВЕСТИ - МОСКВА.

остросюжетном фильме "Тайна личности Борна". 13.15 "Экспертиза РТР". 13.25 ПРЕМЬЕРА. Комедийный сериал "Друзья-4".

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ". 5.05 - 7.50 УТРО НА НТВ.

ТВ 3

8.50 "Местная власть". Программа. 9.00 "Победоносный голос верующего".

АСТ

7.00 Мультсериал "Суперкинига". 7.30 "ЖИЗНЬ КЛИМА САМГИНА". 10-я серия.

1.20 ПРИКЛЮЧЕНИЯ ШЕРЛОКА ХОЛМСА И ДОКТОРА ВАТСОНА. "КОРОЛЬ ШАНТАЖА".

REN TV

7.00 Музыкальный канал. 8.30 Метро. 8.45 "Fox Kids": "ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ".

10.50 Мультфильм "Изобретение". 11.05 Из жизни женщины. 11.35 Телемагазин.

ТВЦ

Профилактика на канале ТВЦ с 7.00 до 19.00. 19.00 "События. Время московское".

ДУШАНБА, 25

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00 - 8.35 "Ахборот". 8.35, 17.55 ТВ маркет.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 "Давр". Ахборот дастури. 9.15 "Янги авлод" почтаси, "Кичкинтой театри".

17.20 ТТВда сериал "Официна баридан чиққан фибригарлар". 17-кисм.

ЎзТВ - IV

17.05 Н. Орейро икрисидига концерт дастури. 18.30 "Бугун оламда". Ахборот дастури.

OPT

5.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости. 8.15 "Семейные узы". Сериал. 9.15 Г. Вицин в комедии "Опелкун".

РТР

2.50 - 6.00 УТРО НА РТР. 2.50, 3.50, 4.50, 5.50 ВЕСТИ - МОСКВА.

И. Лапиков, В. Спиридонов, Т. Семина и А. Роговцева в телесериале "Вечный зов".

НТВ

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30 "СЕГОДНЯ". 5.05 - 7.50 УТРО НА НТВ.

МОЩЬ-3". 23.00 "СЕГОДНЯ". с П. Марченко. 23.35 Сериал "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ".

ТВ 3

9.00 "Победоносный голос верующего". 9.30 Худ. фильм "ЛЕГИОН".

АСТ

7.00 Мультсериал "Суперкинига". 7.30 "ЖИЗНЬ КЛИМА САМГИНА". 11-я серия.

23.10 "АЛЯСКА КИД". 9-я серия. 0.05 "ЛЮДИ И ГОРЫ". Сериал. 0.30 Мужские заботы.

REN TV

7.00 Музыкальный канал. 8.30 "Успех". Ток-шоу К. Лариной. 8.45 "Fox Kids": "ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ".

13.30 Телемагазин. 14.20 Магазин на диване. 14.30 Мультсериал "Динозаврики".

ТВЦ

7.00 Информационно-развлекательный канал "Настроение". 9.50 Газетный доклад.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ - I

БУТУН ЖАХОН ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШ КУНИ
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Она замин неъматлари".
9.10 "Созим менин".
9.35 "Қамолотнинг оидин йўли".
9.55 Клип.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Маугли". Мультфильм.
12.05 "Баркамол авлод орзуси".
12.25 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
13.25 Клип.
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 "Имконият". Бадий фильм.
15.45 "Оғусиз дунё".
16.00 Клип.
16.05 "Ягона оилада".
16.35 "Бир жиноят изидан".
16.50 Клип.
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Болалар ва катталар". 2. "Қувноқ шаҳарча". Телемусобақа.
18.10 "Гиёхвандлик - аср вабоси".
18.30 "Умид" Телелотереяси.
19.10 "Сихат-саломатлик".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 "Бир жуфт қўшиқ".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Аср муаммоси".
21.40 "Ўзбекистон - Ватанимиз".
22.15 "Ўзбекистон" каналда илк маротаба: "Ошин". Телесериал премьераси.
22.45 "Шаҳар бедарвоза эмас".
23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
23.20 "Ахборот - дайжест".
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Хар соҳага саёҳат", болалар учун концерт.
9.45 "Мульттомоша".
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусикий лаҳзалар.
10.25 "Эсмeрaльда". Телесериал.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Болалар экрани: "Оқ бўғалоқ". Мультфильм.
11.35 Саломат бўлинг.
11.55 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
12.45 Автопатруль.
13.00 "Ёшлар" телеканалда спорт: Теннис.
13.35 Кўна оҳанглр.
13.45 "Жар ёқасида". Бадий фильм.
15.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар", "Шум болалар".
15.45 Оғоҳ.
16.00 ТВ-анонс.
16.05 Таянч.
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
18.20 ТВ-анонс.
18.25 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик наволари.
Ўтган ёвқур боболаринг  
адолатдан қурган тахт.  
Сенинг мурғак кўксингда ҳам  
улғайсин шундай бир аҳд —  
Аждодлари улғу элининг  
шунқори бўл, болажон.  
Минг бир синов майдонидан  
ўтар умр йўлларинг,  
Эзгулигу риёзатга ёрдир  
ўнгу сўлларинг.

Инсонийлик байроғини  
баланд тутсин қўлларинг,  
Ҳақ йўлдаги башар аҳлин  
бедори бўл, болажон.  
Туркнинг тўқсон қавмини ҳам  
бир кўргучи назар бўл,  
Бир-бирига қўли чўзиқ  
бу златга камар бўл,  
Рўшноликка етган бағрин  
кўтаргучи зафар бўл  
Бағри кемтик Турон юртин  
даркори бўл, болажон.  
Сен Истиқлол фарзандисан —  
ўғилу қизалоғи,  
Тумарислар ўсган юртда  
сўнмагай эрк маёғи.  
Ўелонлари жасур элининг  
юксакларда байроғи,  
Эрк тахтини мангу сақлар  
сардори бўл, болажон.

“Миттивой”га ёзадилар

## КИМ НИМА ДЕБ ЎЙЛАЙДИ?

Бу воқеа содир бўлганига бир ойдан ошди. Ёзги таътилга санокли кунлар қолганди. Эрталаб мактабга кетаётиб учта юқори синф ўқувчилари кичкинагина, ола паҳмоқ мушукчани қийнаётганларини кўриб қолдим. Атрофдаги йўловчилар уларнинг бу бемаъни ҳаракатларига бефарқ қараб ўтишар, лом-мим дейишмасди. Бу бефарқлик менинг ҳайратимни тагин ҳам ошириб юборди. Ҳаяжонимни босиб, болаларнинг ёнига бордим. Энди гапиршига чоғланган эдим, улардан бири мушукчанинг думидан ушлаб, йўл

чеккасидаги ариқча улоқтириб юборди.

— Буни қаранглар, мушукча сузишни биларкан! — дейишарди бир овоздан қаҳри қаттиқ болалар.

Мен ариқ кўприкчасига энгашиб, мушукчани сувдан тортиб олдим. Кейин болаларга юзланиб, жониворни нима сабабдан қийнаётганларини сўрадим. Улар: “Сенинг неча пуллик ишинг бор?” деб чувиллашиб тор кўчага кириб кетишди.

Йўл бўйидаги ўриндиққа ўтирдим-да, сумкамдан нон олиб, мушукчага бердим. У бир неча кун овқат емаган

кўринади, емишга жон алпозда ташланди. Кейин уни тишлаб, ўриндиқдан сакраб тушиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен эса сумкамни олиб, мактабга йўл олдим.


Шундан буён миямда бир савол чарх уради: мана шундай беозоргина ҳайвонларни қийнайдиган қаҳри қаттиқ безори болалар қаёқдан пайдо бўлишади? Наҳотки, улар жониворларда ҳам жон борлигини унутган бўлишса?

ИЗЗАТИЛЛА,

Тошкентдаги 91-ўрта мактабининг 5-синф ўқувчиси.

**Тахририятдан:** Қадрли болалар! Агар бирортангиз Иззатилланинг қалбини кўпдан буён ўртаб келаётган саволга жавоб бермоқчи бўлсангиз марҳамат, бизга ёзиб юборинг.

## КЕСИШМАЛИ КВАДРАТ




Маънолари куйида баён этилган сўзларни топинг ва уларни квадрат (тўғри тўртбурчак) шаклининг қаторларига бирма-бир ёзиб чиқинг.

1. "... чикди оламга, Югуриб бордим холамга" (Ўзбек халқ оғзаки ижодидан).
  2. Қатиқ+сув=?
  3. Миллий таомларнинг бири тури.
  4. Олти ёшидан фортепяно чалишни ўрганиб, саккиз ёшидаёқ биринчи марта пианиночи сифатида оммавий концерт берган машҳур поляк бастакори.
  5. Сичконларнинг кушандаси.
- Агар топган жавобларингиз тўғри бўлса, шаклининг доирачаги кесмаларида Ўзбекистон халқ ёзувчисининг адабий тахаллуси ва унинг болалар учун ёзган дostonларидан бирининг номини ўқийсиз.

Тузувчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.


Рассом хандаси



Мухтарам мушгарийлар! Ушбу циклокроссворд ҳаммаси “Г” ҳарфи билан бошланувчи тўрт ҳарfli сўзлардан тузилган. Уларни тартиб рақамларининг теварагига белги қўйилган хоналардан бошлаб, соат миллининг айланишига ўхшатиб ёзиш керак.

1. Озиқ-овқат маҳсулотларининг бири тури. 2. Миллий таом. 3. Ғарбий Африкадаги давлат. 4. Европаликлар учун Ҳиндистонга борадиган сув йўлини очиб берган португалиялик денгиз сайёҳи. 5. Ҳиндистонда маҳаллий аҳоли муқаддас деб билувчи дарё. 6. Франциядаги йирик порт шаҳар. 7. Гаити Республикасининг пул бирлиги. 8. Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги орол (уни 1521 йилда Ф. Магеллан кашф этган). 9. “Яхшида ... бўлмас” (мақол). 10. Марказий Осиёнинг шимоли ва шимоли-шарқдаги чўл ва чалачўл ландшафтли жойларнинг умумий номи. 11. Машҳур испан рассоми. 12. XVIII аср операси ислохотчиларидан бири бўлган, Вена, Парижда ишлаган бастакор (миллати чех). 13. Француз ёзувчиси, “Денгиз заҳматкашлари” романининг муаллифи. 14. Голланд сайёҳлари Я. Лемер ва В. Схаутен 1616 йилда кашф этган бурун (Жанубий Американинг энг жанубий нуқтаси). 15. Маҳаллий қурилиш материали. 16. Криминалист-экспертлар ҳодиса содир бўлган жойда топишган излардан нусха кўчириб олишда ишлатадиган минерал. 17. Иссиқликлар йиғиндисининг доимийли-

## ШИФРОГРАММАЛИ ЦИКЛОКРОССВОРД



ги ҳақидаги қонунни кашф қилган рус кимёгари (1802—1850), академик. 18. Актёр қиёфасини, айниқса унинг юзини ўйналадиган ролга мос қилиб ўзгартириш санъати. 19. Норвег миллий мусиқа мактабининг асосчиси. 20. Бирор иш, табиат манзараси, сайр-томоша ва шу кабилардан олинадиган эстетик завқ.

Агар циклокроссворд жавобларидан очқич сўзлар сифатида фойдаланишни удалай олсангиз, шакл марказидаги доирага жойлаштирилган шиф-

рограммада халқимизнинг ибратли мақолларидан бири аён бўлади.

Эслатма: шифрограмма хоналаридаги қўшалок сонларининг чап томондаги биринчиси жавоб сўзининг

тартиб рақамини, ўнгдаги иккинчиси эса — худди шу сўзнинг нечанчи ҳарфини олиб тегишли хонага ёзиш зарурлигини аниқлатади.

Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

## ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**ЭНИГА:** Кушхона Ева. Эл. Вагон. Қамчи. Героини. Спортчи. Яримта. Улакса. Айри. Сумка. Ибн. Олов. Шоира. Қамар. Ранда. Улим. Уксик. Тара. Аза. Торф. Нок. Омма. Исм. Лауреат. Ли. Ян. Юқ. Доя. Азиль. Ром. Башара. Мард. Ямалак. Аро. Шоли. Вэвод. Кифт. Маориф. Юрист. Айик. Ун. Ўзаро. Бу. Қирк. Ана. Лафз. Рус. Педар. Ибо. Шақл. Ноз.

**БҮЙИГА:** Варақ. Билвосита. Ипак. Шаала. Мафия. Йўқлаш. Қоятош. Снарда. Из. Ара. Таъм. Зах. Юка. Шамчироқ. Разил. Ва. Лоа. Инон. Охиста. Арон. Пайча. Мактуб. Авто. Рўза. Юзаки. Нурсиз. Иш. Уқ. Уғит. Овсин. Одат. Чўри. Олд. Енгил. Какао. Том. Асар. Уят. Аср. Ку. Аттор. Шо. Смена. Метр. Ор. Эгизак. Драма. Орли. Араз. Атом. Иф.



## Қилмиш — қидирмиш

## НАФС БАНДАЛАРИ

**Баъзи инсонларнинг хатти-ҳаракати ноҳўя, қонунга хилоф бўлса-да, шундан бирор-бир манфаат чиқса, орта қайтишмайди. Пешона деворга "так" этиб теккунча ҳаром айш-ишрат, бир лаҳзалик кайф-сафо учун шайтоний нафсга эргашишади.**

Қоровулбозор Бухоро вилоятининг саноатга ихтисослашган чекка туманларидан бири. Кейинги пайтда бу ерда кўпгина кўзга кўринарли ишлар амалга ошириляётгани муболага эмас. Аммо ана шундай хайрли ишларни кўролмаётган, халқдан кўра кўпроқ ўзини ўйлаётган худбин кимсалар ҳам учраб турибди.

— Шу десангиз, ака, бир таклиф бор сизга, — деди Тилов (исмлар ўзгартирилган) кўзлари ўйнаб кўлларини бир-бирга ишқаларкан.

— Хўш, — Худойназар ака "жияни"нинг шасти-ни кўриб унга тикилди.

— Бир жойда ажойиб ўлжа бор. Шунинг қўлга киритсак, нима дейсиз, ака?

— Кўринишингдан сезувдим бир балони ўйлаб қўйганингни. Қани, муддаога ўт.

— "Дўстлик"дан у ёғи чўл зонаси. Уша томондан симёғоч ўтган. Ҳозир рангли металлнинг бозори чаққон. Нима демоқчи бўлаётганимни тушунгандирсиз, акагинам?

— Бу иш шунчалик осон экан-да. Тумшугингдан илиниб кетма яна.

— Э-э, қуш учса қаноти қуядиган чўлнинг қоқ ўртаси бўлса у томон. Хоҳламаётган бўлсангиз, бор-маслигингиз мумкин.

— Кўп сайрайверма. Розиман. Фақат топганимиз ўртада арра.

Режага биноан мўлжалдаги "ов"ни икковлон уддалай олишолмаслигига кўзлари етгач, Худойназар тушадиган улушни бегона қилишни истамай, "тадбир"га ўз ўғлини ҳам жалб этди. Қиладиган ишининг тайини йўқ икки бекорчи ҳам ишбошининг таклифига кўра тўдага қўшилишти. Айтмоқчи, улардан бири Тиловнинг жигари, яъни укаси эди.

Шундай қилиб, ярим кечаси шарпалар "Муборак-Когон" газ қувири ёқасида жойлашган электр тармоғининг 65-

километрида пайдо бўлишади. Тунги "овчи"лар шарофати билан бу ердан олти минг уч юз метрлик алюминий сим ечиб олинади. Пулга чақилганда ўғирланган симнинг баҳоси уч миллион сўмдан зиёд. Албатта, бир кечада беш кишига арзийдиган улуш бу. Бели оғримаганининг нон ейишини кўр, деб шунинг айтса керак-да. Бироқ, ҳаром мол йигитларга татимади, халқ тили билан айтганда "юқмади".

Келинг, ўғирларнинг шахсиятига бир назар солайлик. Тилов 1971 йилда Гиждувон тумани, "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги, "Кўшраб" қишлоғида туғилган. Оилали, бири-биридан ширин икки фарзанди бор. Таассуфки, панжара ортидаги ҳаёт билан яхшигина танишишга улгурган бу йигит ўзига тўғри йўлни танлай билмади. Аввалги қилмишидан хулоса чиқара олмаган Тилов бугун яна қора курсига ўти-

ришга мажбур. Ваҳоланки, Қоровулбозор шаҳридаги, "Ўзпаравтотранс" корхонасида туппа-тузук ҳайдовчилик қилиб юрган эди.

Худойназар 1953 йили Шофиркон туманида туғилган. Оилали, тўрт фарзанднинг отаси. У ҳам Қоровулбозор шаҳри, "Ўзпаравтотранс" корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлади. Аммо қозонга яқин юрсанг қораси юқади. Эгри йўлга киришнинг оқибати бу. Начора, қилмиш-қидирмиш, деб қўйибди.

Ота ўз фарзандини парваришлаб тўғри йўлга солиш ўрнига тубан, жирканч кўчага бошласа. Ака эса бир қориндан талашиб тушган жигарбандини жиноятга ўргатса. Ҳаётда ҳалол яшаш шу қадар оғир ишми? Балки, ҳамма бало уларнинг нафс бандасига айланганликларидир.

**К. ИБРАГИМОВ,**  
милиция полковниги.

## САҲАРДА ҲАМ БЕДОРЛАР БОР

Уйқунинг энг ширини тонгтардагиси дейишади. Жасур (исми ўзгартирилган) бундан яхши хабардор шекилли, қилғилиғини эрталаб 5.00 — 5.30 оралиғида қилди. У ярим соат ичида Янгийўл шаҳридаги иккита ёнма-ён жойлашган кўпқаватли уйлар йўлагига ўрнатилган 7 та электр ҳисоблагични ўғирлашга улгурди. Асл касби электрик бўлган, лекин ҳеч қаерда ишламаган бу йигит илгари ҳам айнан шундай ўғирлиги учун қамалган эди. Жиноят содир этиш пайтида маст бўлганига қарамай хатога йўл қўймади. Чунки касбининг устаси бўлган-

да. Афсуски, шу маҳоратини қинғир ишга солди.

Жасур бир нарсани ҳисобга олмаган эди. Одамлар орасида тонгги ширин уйқусидан кечиб, саҳарда турадиганлар ҳам бор. Жумладан, тиним билмайдиган, куюнчак уй бекалари. Ана шундайлардан бири Феруза Ҳамидова тонг саҳарда ҳаммом чироғини ёқди — ёнмади, ошхонанинг чироғини ёқди — ёнмади. Рўпарадаги кўпқаватли уйнинг айрим хонадонларида эса чироқ чарақлаб турарди. Йўлакка чиқиб қараса ўзининг ҳам, қўшнисининг ҳам электр ҳисоблагичи йўқ. Ўрнида симлари осилиб ётибди.

Пастда эса қадам товушлари эшитиларди. Дарҳол балконга чиқиб, деразадан қаради. Биров катга сумка кўтарганча йўлакдан чиқиб, ўннга бурилганини кўрди. Феруза гап нимадалигини тахмин қилиб зудлик билан "02"га сим қоқди. Милиция ходимлари тезда етиб келишти. Улар Ферузанинг кўрсатмаси бўйича бориб Жасурни воқеа жойи яқинида 7 та электр ҳисоблагич билан қўлга олишти.

Жасур тергов чоғида барча айбини бўйнига олди. Ундан электр ҳисоблагични ўзига ўхшаган "овчи"лардан муҳофаза қилишнинг қанақа йўли бор, деб сўрадим. Жасур пича ўйлаиб туриб:

— Энг ишончлисиз уни хонадон ичига ўрнатиш, — деди.

**А. АБДУЖАЛИЛОВ,**  
милиция катта лейтенанти.

## ҲАМТОВОҚЛАР ТУЗОҚДА

**Бешариқ агроиктисодиёт коллежи омборхонасининг номигагина кўриқланиши, қоровулнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қарashi Орифга жуда кўл келди. Пайт пойлаб, ярим тунда омборхонадан турли хил буюмларни ўғирлаб чиқди ва тадбиркор Н. Ҳамидаҳонга 176 минг сўмга пуллади.**

Бир кечада елиб-югурмай шунча пулга эга бўлган Ориф улфати Н. Тўйичини шерикликка таклиф қилди. Текинхўрликда Орифдан қолишмайдиган улфатига бу таклиф ёқиб тушди. Эртасига кечқуруноқ иккови ўша омбордан материалларни ўмариб эски мижоз Н. Ҳамидаҳонга 175 минг сўмга пуллашти.

Омборхонадаги ўғрилик маълум бўлганидан кейин туман ИИБ ходимлари қидирув-суриштирув ишлари олиб бориб, икки ҳамтовоқнинг айбдор эканлигини аниқладилар. Улар қилмишларига икковор бўлишти. Туман суди Қ. Ориф, Н. Тўйичи ҳамда ўғрилик молини суриштирмай сотиб олиб, мўмай даромад олган Н. Ҳамидаҳонга тегишли жазо тайинлади.

**М. ФАНИЕВА.**

## ... Пайшанбадан пайшанбагача...

## ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИФИ ОРТИК

Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманида Н. Пўлатов "Жигули"сига уч нотаниш йўловчини ўтказиб, улар айтган манзил томон йўл олди. Бироқ шаҳарнинг Чуқурсой кўчасига етишганда йўловчиларнинг авзойи бузилиб, ҳақиқий мақсадларини ошкор этишти: ҳайдовчига пичоқ ўқталиб, ёнидаги бор-йўғини шилиб олишти. "Камига" эса машинани олиб кетишти. Кўп ўтмай "Жигули" "Отчопар" бозори яқинидан топилди. Босқинчилар эса сал кейинроқ тутилди. Улар Юнусобод туманида яшовчи, муқаддам судланган 30 ёшли Р. С., 33 ёшли Б. Ю. ҳамда яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ 24 ёшли Ф. З. лар экан. Қўлга олиш пайтида Р. С. нинг ёнидан 7 та ўқлари билан "Наган" русумли тўппонча топилди.

## КОТИЛЛИК КЕТИДАН...

## КОТИЛЛИК

Жиззах тумани худудидан 1962 йилда туғилган В. Б.нинг жасади топилди. У бир кун аввал "ВАЗ-2106" русумли автомашинасида уйдан чиқиб кетиб, қайтмаган эди. Ички ишлар ходимларининг тезкор қидирув харақатлари натижасида ушбу қотилликни содир

этган муқаддам судланган уч нафар шахс ҳибсага олинган. Тергов давомида бу гуруҳнинг яна бир жинояти фош этилди. Аниқланишича, 1973 йилда туғилган А. Р. ва 1971 йилда туғилган В. К. лар шу йил июнь ойида Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида тадбиркор В. Б.ни бўғиб ўлдириб, унинг "РАФ" русумли автомашинасини олиб кетган экан.

## ҚУВОНЧИ УЗОҚКА ЧЎЗИЛМАДИ

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 40 ёшли Т. Ш. бойиб кетишнинг осон йўлини топди. У Қарши туманининг Дашт қишлоғида яшовчи И. Авлиёқуловга тегишли отардан кўп эмас, "атиғи" 47 бош қўй-қўзиларни ҳайдаб кетди. Орадан бирмунча вақт ўтиб Т. Ш. озгина тўлишиб, чала бойдек яшаётган эди, бу ёғи ўхшамай қолди. Чунки милиция ходимлари жиноятини бўйнига қўйиб, ўзини олдиларига солиб олиб кетишти.

## ҚЎШНИНГДАН ТОП

Наманган шаҳрида яшовчи М. Ю.га тегишли "ВАЗ-21011" русумли автомашина ҳовлида турган жойида ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Бундан боши қотган "Жигули" эгаси милиция ходимларига хабар қилди. Тезкор ходим-

лар ўғрини қидириб кўп ҳам сарсон бўлмадилар. Чунки у жабрланувчининг ён қўшнисини, муқаддам судланган 27 ёшли Х. С. эди.

## КОТИЛ ОТА

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи, 1951 йилда туғилган В. Д. уйда 27 ёшли ўғли билан улфатчилик қилиб роса спиртли ичимлик ичишти. Кейин эса мастлик зўридан гаплари бир-бирига қовушмай жанжал бошланди. Шунда ота "бор-е" дея ўғлини чавақлаб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Ўғил шу жойининг ўзида жон таслим қилди.

## ХОТИН КИШИНING МАКРИ...

Давлатобод туманилик 1947 йилда туғилган аёл соппа-соғ юрган эри тўсатдан вафот этганини айтиб ҳаммаёққа айюҳаннос солди. Бироқ суд-тиббийёт экспертизаси у қовурғалари синиши, жигарнинг ёрилиши, ичига қон қуйилиши натижасида ўлгани ҳақида хулоса чиқарди. Демак, қотиллик содир этилган. Айбдорни топиш учун ҳам кўп вақт сарфланмади. Қотил марҳумнинг хотини бўлиб чиқди.

**И. МИНАВАРОВ,**  
милиция майори.

## Хоразм вилояти ИИБ хабарлари

## "ЎЛЖА"НИ

## СОТИШГА

## УЛГУРМАДИЛАР

Хива тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида яшовчи Р.Назировнинг молхонасидан кимдир хўкизини ўғирлаганини маълум қилишти. Профилактика инспекторлари милиция катта лейтенанти А.Хударганов, милиция кичик лейтенанти М.Отажонов ва маҳалла посбони М. Маҳмудовлар зудлик билан ўғрини тутиш чораларини кўришти.

Ўғри илгари икки марта судланган Т. Собир экан. У шериги Б. Ботир билан хўкизни Хива мол бозоридан сотмоқчи бўлиб турганда қўлга тушди.

## ОҒУ ТАРКАТУВЧИ УШЛАНДИ

Ҳазорасп туманидаги "Хоразм" ширкат хўжалигининг 17-бўлимида яшовчи, 23 ёшли Умар Ёкубов гиёҳвандликка муккасидан кетганларга оғу сотиш билан кун кўриши аниқланди. Туман ИИБ ходимлари тезкор тадбир ўтказиб, уни Мурод Саидов деган фуқарога 450 грамм марихуанани 130 минг сўмга пуллаётганда ашёвий далил билан қўлга олдилар. Унинг уйдан эса 800 граммдан зиёд ана шундай гиёҳвандлик моддаси топилди.

## ГУРУЧ ИЧИДА...

## КОРАДОРИ

Тезкор маълумотлар асосида самарқандлик бир шахс Ҳазорасп туманига гиёҳвандлик моддасини олиб келганлиги маълум бўлди. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори М.Эшчонов бошчилигида тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилиб, уни ушлаш мақсадида йўлда кетаётган автомашина тўхтатиб текширилди. Автомашинадаги М. Неъмат бир қоп гуруч ичига 450 граммдан ортиқ қоралорини яшириб, олиб келаётганида қўлга олинди.

**М. АБДУЛЛАЕВ.**

# 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

## КЕЛАЖАКНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

**Республика Ички ишлар вазирлиги Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ходимлари ўз йўналишларида қандай иш олиб бормоқдалар? Бу курашнинг халқаро миқёсдаги аҳоли қай даражада? Заҳри қотил савдоси билан шуғулланувчиларнинг пайини қирқиш, ёшлар аср вабоси домига тушиб қолишининг олдини олиш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мамлакатимизга гиёҳвандлик моддаларининг кўшни давлатлардан кириб келишига қарши қандай курашилмоқда? Шу каби қатор саволларимизга Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш Бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраев қуйидагича жавоб берди.**

– АҚШдаги сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда терроризмга қарши кураш тадбирларининг амалга оширилиши наркотик воситаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатларда айрим ўзгаришлар бўлишига олиб келди. БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистонда наркотиклар ўтган йили аввалги йилга нисбатан ўндан бири миқдорда етиштирилган. Қора бозорга асосан заҳирадаги наркотик моддалар олиб чиқилган. Шу сабабли Марказий Осиё худудидида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ вазият мураккабдигича қолмоқда.

Республикаимизга наркотик моддалар жанубий ва шарқий худудлардан кириб келмоқда. Ҳозирда республика ИИБ тизимлари наркотик моддаларнинг мамлакатимизга ғайриқонуний кириб келиши йўллари тўсиш ва манбаларини аниқламоқда. Шу мақсадда мавжуд кучлар ҳамкорлигидаги кураш режасини ишлаб чиқди. Вазирлигимиз ҳамдўстлик ҳамда хорижий давлатлар ҳуқуқтартибот идоралари билан биргаликда нарқобизнесга қарши кураш бўйича халқаро шартнома ва битимлар тузиб, уларни мунтазам бажариб келмоқда. Шунингдек, кўплаб мамлакатлар билан наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича доимий ҳамкорлик

йўлга қўйилган. Шу кеча-кундузда биргаликда комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган. Натижада, жорий йилнинг шу кунига қадар наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун бошқа давлатларнинг эллик нафар фуқароси қўлга олинди. Бу кўрсаткич ғайриқонуний равишда наркотик моддалар савдоси билан шуғуллангани учун ушланган фуқаролар сони камайганини кўрсатмоқда. Бунинг боиси асосан, қўшни давлатлар билан темир йўл ва бошқа ҳаракат йўналишларининг қисқаргани, чегараларимиз янада мустаҳкамлангани, ходимларимиз хушёрлиги ҳамда амалга оширилган бошқа тадбирлардир. Бу борада қилинган ишлар бўйича мисоллар келтирсак. Фарғона вилояти Бешариқ тумани Андархон қишлоғида Тожикистон фуқароси У. Олимов 1 кг. героинни сотмоқчи бўлганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. “Сариосиё” темир йўл бекатида текширилган А. Эрматовнинг ёнидан ҳам 165 грамм героин билан 4 кг 800 грамм опий гиёҳвандлик моддаси топилган. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида уни “таъминловчи” Р. Жумаев ҳамда тожикистонлик Т. Беговлар ҳам қўлга олинди. Тошкентдаги “Миробод” бозори ёнида эса тожикистонлик фуқаро Р. Шукуровнинг хўжалик сумкасида 1 кг 24 грамм героин то-

пилган. Февраль ойида Самарқанд шаҳрида 2 кг. героинни 50 минг АҚШ долларига сотаётган Э.Махсумов ва М. Элмуродов қўлга олинган эди. Бошқармамиз ходимлари Бекобод туманидаги Зафаробод кўрғонидида А. Қўшназаров, Р. Эшматов, А. Шодиев ҳамда “Ўзэнерготайминот” корхонаси қоровули М.Айсаевларни 2 кг героинни 30 минг АҚШ долларига сотаётганда; шу туманининг Ойбек жамоа хўжалигида Б. Ботиров деган шахс 1 кг 38 грамм героинни сотмоқчи бўлганида ушланган. Яна шу тумандаги “Далварзин” жамоа хўжалиги худудидида Э.Кимга тегишли “ВАЗ-21093” автомашина шинасидан салкам уч килограмм героин топилган. Денов туманида Б. Саидов деярли икки кило героинни 18 минг АҚШ долларига сотаётганда ходимлар томонидан қўлга олинган.

Ўтказилган тадбирларда асосий куч наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг ўта хавфли ҳисобланган турларига қарши курашишга қаратилди. Шу пайтгача гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш билан боғлиқ мингга яқин ҳолат аниқланди. Ўргатилган хизмат итлари ёрдамида эса гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ анчагина жиноятлар очилди.

Тадбирлар натижасида жорий йилнинг шу давригача юртимизга ноқонуний йўллар билан кириб келган 120 кг гиёҳвандлик



моддалари ва уларнинг “эгалари” қўлга олинди.

Наркотиклар билан боғлиқ маъмурий қонунбузарликлар содир этган 66 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Республика Ички ишлар вазирлиги мутасадди тизимлари гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиздаги бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқиб, шунга кўра иш юритмоқдалар. Режага кўра олий ва бошқа ўқув юрларида наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда уларнинг суиистеъмол қилинишига қарши тезкор профилактик тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Режадаги “Қорадори” кенг қамровли тадбиримиз эса таркибида наркотик модда бўлган, экиб, ўстириш тақиқланган экинларни экишга қарши қаратилган. Наркотик во-

ситаларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва худудларимиз орқали транзит қилиниши йўллари аниқлаш ҳамда тўсиш бўйича тадбирлар самараси яхши бўлмоқда.

Таркибида наркотик моддалар ва психотроп воситалар бўлган доридармонларни назоратта олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг натижаси ҳам чакки эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси наркотиклар устидан назорат қилиш Давлат комиссияси бизга доимий равишда наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол қилинишига қарши курашда амалий ёрдам бериб келмоқда. Таҳлилий маълумотлар, моддий-техникавий ёрдам шулар жумласидандир. “Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда уларни суиистеъмол қилинишига қарши курашнинг 2002-

2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”ни амалга ошириш учун биринчи галда чегараларимиздан наркотик моддаларнинг олиб ўтилишига қарши курашни кучайтиришимиз лозим. Бу борада “Тўсиқ” тадбири қўл келаяпти. “Қорадори” тадбирини амалга оширишда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Давлат ҳиссадорлик компанияси вертолётларидан унумли фойдаланилмоқда. “Допинг” деб номланган тадбир эса дорихоналарда, шунингдек, махсус ва психотроп дориларнинг ноқонуний сотилишининг олдини олишга, унга қарши курашишга қаратилган.

Кўриниб турибдики, “Аср вабоси” деб аталмиш гиёҳвандлик балосига қарши бутун дунё афкор оммаси биргаликда курашмоқда. Бу борадаги курашнинг нафи кўпроқ бўлиши учун менимча, худудлар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари орасида чуқур тадқиқотлар олиб бориш лозим. Мактаблар, ўртамахсус ва олий ўқув юрларида “Наркология” мавзусидаги дарс соатларини кўпайтириш, шифокорларимиз ўқитувчилар учун профилактик ишларини ташкил қилиш борасида ўқув-услубий қўлланмалар яратишлари зарур. Мактабгача ва мактаб таълимида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича чет эл тажрибаларига суянган ҳолда иш олиб бориш керак. Оммавий ахборот воситаларидаги материаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мунтазамлиги ҳам бу борадаги ишларни яхшилашда катта аҳамият касб этади. Айниқса, ёшлар бу ботқоққа тушиб қолмаслиги учун ҳар бир виждонли инсон уларга эътиборлироқ бўлиши, бепарволик, лоқайдликка йўл қўймаслиги, уларни ўқишга, ишга, спорт тўғррақларига жалб этиши шарт. Ана шундагина гиёҳвандлик иллатининг илди-зи қирқилиб, келажагимиз унинг чиркин панжасидан асраб қолинади.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА**  
сўхбатлашди.

**Жиззах вилояти ИИБ ходимлари гиёҳвандлик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ўстириш каби ҳолатларни аниқлашда самарали ишлар қилмоқдалар.**

– Вилоятда “Қорадори – 2002” тадбирини ўтказишга жиддий эътибор қаратганмиз. Тезкор тадбирлар натижасида жорий йил давомида 70 та гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди, – дейди вилоят ИИБ жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция майори А. Эшбоев. – Заҳри қотилни сақлаш ва со-

тиш билан шуғулланаётган шахслардан 6 килога яқин оғу далилий ашё сифатида олинди.

Зомин тумани Небўса қишлоғида яшовчи А. Бердон ва унинг жиноий шериги Н. Алимқуллар 1 кило 300 грамм марихуана моддасини 1 миллион 100 минг сўмга сотаётганларида қўлга олинди. Шунингдек, мазкур туманининг Даштобод шаҳарчасида яшов-

## КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

чи О. Қораев 135 грамм оғуни пуллаётганда ушланди.

Фаллаорол шаҳрилик И. Абдуқодир ва Ж. Элмурод ҳам 610 грамм оғуни сотиб, мўмай пул ишлаб олмақчи бўлишган эди. Бироқ, бундай режа уларни темир панжара ортига етаклаб келди.

Ички ишлар ходимлари томонидан “Қорадори – 2002” тадбири давомида 314 квадрат метр майдонда кўкнор ўсимлиги етиштирилаётганлиги аниқланиб, йўқ қилинди.

17 нафар фуқарога нисбатан жиноят иши кўзга-тилди.

Фаллаорол туманидаги Нуқри қишлоғида яшовчи Р. Субонов ховлиси ва томорқасида 417 туп кўкнор ўсимлигини парвариш-лаётганлиги ҳамда уйдаги сандиқда 550 грамм куритилган кўкнорни сақлаётганлиги аниқланди.

Д. Йўлдошев ширкат хўжалиги Қўшсарой қишлоғида яшовчи М. Турсуновнинг томорқасида 19,6 квадрат метр майдонда 936 туп кўкнор

ўстираётганлиги маълум бўлди.

Жиззах шаҳридаги Ёшлик маҳалласида яшовчи С. Ҳазратқулов эса ховлисида 360 туп кўкнор ва 80 туп нашани меҳр билан парвариш қилаётганлиги аниқланди. Оғулар йўқ қилинди.

Ходимлар томонидан ўтказилаётган тадбирлар давомида вилоятнинг чўл худудларида ёввойи тарзда ўсаётган, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган “Банг” наша-

си мавжуд жойлар аниқланмоқда. Жами 58 квадрат метр майдондаги ёввойи наша йўқ қилинди.

Гиёҳвандликка қарши курашда фуқаролар йиғинлари, маҳалла ва қишлоқ оксоқоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Аниқланган ҳар бир ҳолат фуқаролар йиғинларида муҳокама қилинмоқда, гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Зеро, бу иллатга қарши кураш барчага бирдек масъулият юклайди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

**Бир неча йиллардан бери мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний тарзда ишлаб чиқарилишига қарши аниқ бир мақсадга йўналтирилган кураш олиб борилмоқда. Шу ўринда ташкил этилаётган "Қорадори-2002" тадбири оғулар тайёрлашнинг хом ашё базасини йўқ қилишга қаратилган.**

Ўтган йили ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида салкам бир гектар майдондаги ёввойи ҳолда ўсувчи кўкнор ва наша ўсимликлари йўқ қилинган эди. Бироқ, оғузлар, афсуски, камаймади. Фақат шу йилнинг май ойида ўнлаб фуқароларнинг ҳовлилари ва томорқаларида бир неча ўн килограмм оғулар тайёрлашга етадиган кўкнор ҳамда наша ўстирилатганлиги аниқланди.

Таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликлар аксарият ҳолларда ҳовлилар, томорқалар, дала-ҳовлилари, ижарага олинган ерларга экилиб парваришланяпти. Ўрта ҳисобда бундай майдонлар 60-80 квадрат метрни эгаллаган. Андижон вилоятининг қишлоқ жойларида бундан ҳам катта майдонларда кўкнор ва наша етиштирилган.

Бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилган фуқаролар орасида қонуний даромад

манбаига эга бўлмаган шахслар ва пенсионерлар кўпчиликти ташкил қилади. Улар орасида аёллар ҳам бор.

Шаҳрихон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Раҳмиддиннинг томорқасида 200 туп кўкнор, уйдан эса қорадори олишга мўлжалланган кўкнор кўсақлари топилди.

Наманган тумани Ғалча қишлоғи ҳудудидаги 300 квадрат метр ерда кўкнор етиштирилатгани қидирув гуруҳи томонидан вертолёт орқали аниқланди. Оғуни 63 ёшни қаршилаган Абдуғаффор К. ўстираётган экан.

Пискент туманининг "Туркистон" ва "Пискент" жамоа хўжалиқларида умумий майдони 350 квадрат метрдан зиёдроқ ерда ёввойи тарзда ўсувчи нашазорлар аниқланди. Таркибида гиёҳванд-

лик моддаси бўлган ўсимликлар йўл чеккалари ва жарликлар этакларида ўсган. Мазкур ўсимликларнинг ҳаммаси йўқ қилиб ташланди.

Гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний

нидан олиб борилмоқда. "Қорадори - 2002" тадбири давомида уларга бошқа хизматларнинг кўмаги қўйилмади. Масалан, бу йилги режага кўра, мамлакатимизнинг чегарага яқин туманларида кўшим-

ларидир. Шу ўринда қуйидаги воқеани келтириш мумкин. Ўтган йили Сарисий туманида истиқомат қилувчи, вақтинча ишсиз, олий маълумотли, тўрт фарзанднинг отаси Ҳабиб Б. туман марказида

роин эса мусодара этилди. Бироқ, афсуски, бундай далиллар гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний тарзда муомалага киритилиши билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартирмайди. Қамоққа

## "ТАДБИРКОРЛАР" ФОШ ЭТИЛДИ

тарзда муомалага киритилишига таъсир кўрсатувчи яна бир қатор омиллар мавжуд. Уларнинг энг салмоқлиси контрабанда ва наркотранзит тарзида ўтказиш ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу йил инсон организмга кучли таъсир кўрсатувчи оғуларнинг кўпайиши мумкин. Улар мазкур тахминни гиёҳвандлик моддаларининг минтақадаги асосий етиштирувчи - қўшни Афғонистонда қорадори ва героин кўллаб ишлаб чиқарила бошлангани билан изохламоқдалар.

Мазкур йўналишдаги ишлар асосан, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний тарзда муомалага киритилишига қарши кураш олиб борувчи жиноят-қидирув хизмати таркибидаги махсус бўлинма ходимлари томо-

ча тарзда йўл-патруль хизмати постлари ва блокпостлар барпо этилди. Махсус тайёргарликдан ўтган хизмат итларидан фойдаланиш, йўл-патруль хизмати постларида гиёҳвандлик моддалари олиб ўтилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда. Яхши тайёрланган итлар билан гиёҳвандлик моддаларини излаб топишда, юқори натижага эришаётганини ҳисобга олсак, курашнинг ушбу усули етарли даражада самарали дейиш мумкин. Автомобилларга пухта яширилган гиёҳвандлик моддаларини топиш бўйича қайд этилган кўллаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Гиёҳвандлик моддаларининг кўп миқдорда, жумладан, йўлда мусодара этилиши жиноят-қидирув ходимлари олиб борган тезкор ишлар натижа-

бир шахсдан 2 минг АҚШ долларига бир килограммга яқин героинни сотиб олади. У мазкур "товар" билан Тошкентга келиб, битта хонани ижарага олади ва героинни сотиш йўлини излай бошлайди. Воситачи у орқали бошқа яна иккиси (уларнинг бири чет эллик фуқаро) билан боғланган оғуфур ушбу уларга харидор топиб берсалар, уч юз АҚШ долларидан тўлашга ваъда беради. Ҳабиб Б. героинни минг АҚШ долларига сотмоқчи эди. Воситачилар занжиридаги сўнгги ҳалқа родини ўйнаган воситачи мазкур сумани яна ярмига оширади. Ҳамтовоқлар ўз алоқачилари орқали харидорни топадилар. Сотувчининг квартирасида харидор ва сотувчининг учрашуви уюштирилади. Олди-сотди чоғида Ҳабиб Б. ва икки воситачи қўлга олинди. Ге-

олинган Ҳабиб Б.нинг ўрнига бошқа жойда, яна бир жиноятчи, худди ана шундай гаразли мақсад билан "саҳнага" чиқиши мумкин.

Ҳамза туманидаги қаҳвахоналарнинг бирида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 25 яшар бир йигит куппа-кундузи ярим килограммдан зиёдроқ героинни сотаётганида "Қорадори - 2002" тадбири иштирокчилари томонидан қўлга олинди. Орадан бир мунча фурсат ўтиб, унинг Себзордаги квартирасида Гулистон туманидан келган бир йигит ушланди. Унинг ёнидан ҳам шунча миқдорда героин чиқди. Афтидан, у икки ўртада чопарлик вазифасини бажариб юрганга ўхшайди. Тадбирнинг бориши тўғрисидаги маълумотларда бундай ҳолатлар ягона эмас.

Л. КИЯШКО.

## ҚОРА КЎЛАНКА

**Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари жойларда гиёҳвандлик иллатига қарши кенг тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Айтиқса, ёшларнинг бу чоғга тушиб қолмаслиги диққат-этиборда. Тарғибот ва ташвиқотлар туфайли гиёҳвандлик моддаларини сотишга уринишлар ҳамон учраб турибди.**

Тожикистонлик фуқаро Р. Эшмамат шериги М. Холбой билан республикамиз ҳудудида пайдо бўлди. Беозор кўринган, чақирилмаган бу меҳмонлар Нишон туманидаги Нуристон кўрғончасида уззукун дайдиб юришди. Икки ҳамтовоқ елимхалтага ўралган кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини сотиш учун мижоз излаётгани кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Улар бу ерда ҳам пул деса нафси ҳақалак отадиган кимсалар бордир, деган уйда унга-бунга гапдан тузоқ ташлаб юришди. Кўп ўтмай У. Оллоёр билан тил топишдилар. Эшмамат кўйнидаги 805 грамм героинни янги танишига берди. Оллоёр мижоз топиб, 805 грамм героинни 13 минг АҚШ долларига пуллаётганда милиция ходимлари кўйган тузоққа илинди. Р. Эшмамат 6 фарзанднинг отаси. У оиласини боқиш учун шу ишга қўл урганни яширмади. Кимнингдир боласини қабоҳат ботқоғига итқитиб, ўзи яйраб-яшнашни истаган бу инсоннинг хатти-ҳаракатини мулақоқлаб бўлмайди.



Яккабоғ туманилик Р. Беғали 64 ёшда, бир этак набираларнинг буваси. У билса чин, билмаса ҳазил қабилда ўтган йили ҳовлисида наша ўсимлиги етиштирганди. Уйдагиларни "бу супургининг янги нави, баланд ўсар экан", дея чалғитиб келди. Кузда ўсимликни ўриб, қуритиб, оғилхонага яшириб қўйди. Вақт ўтиши билан мижоз топиб, 166 грамм кўкнор ва 134 грамм марихуанани 25 минг сўмга пуллаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди. Унинг уйи тинтув қилинганда салкам бир килога яқин ўта хавфли ҳисобланган мари-

хуана топилди. У-заҳри қотил савдосидан тушган тушумга ўғлини ўйлантириш ниятида эканлигини яширмади. Наҳотки инсон хурсандчиликка ўзгаларни захарлаш эвазига эришса?!

Қарши шаҳрида яшовчи Тимур Саидов 32 ёшда, икки фарзанди бор. У контрабанда йўли билан бир дона АК-74 русумли ўқ отар қурол, 39 дона ўқи, 2 дона ўқдон ва 1 дона жанговар гранатага эгалик қилди. Ўқ отар қурол ва унинг 39 дона ўқини таниши Собир Ашуровга 27 минг сўм эвазига гаров ўрнида қарзга берди. Орадан уч кун ўтгандан сўнг Ф-1 русумли жанговар гранатани фуқаро Баҳром Ҳайитовга героинга алмаштириб келиш учун бераётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг уйи тинтув қилинганда 1,4 грамм героин топилди. Тимур гиёҳ-

вандлик моддасини мунтазам истеъмол қилишини айтди. Вилоят судининг ҳукми билан Тимур Саидовнинг биринчи гуруҳ ногиронлиги эътиборга олиниб, унга нисбатан 3 йил синов муддати белгиланди. Ҳамтовоғи Собир Ашуров эса жиноий жазога тортилди.

Шу йил 1 майдан бошлаб республикамизда "Қорадори-2002" тадбири ўтказилаяпти, - деди вилоят ИИБ жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Г. Самиев. - Ҳозирга қадар 34 та гиёҳвандликка оид жиноятлар фош этилди. Фуқаролардан 1 килограмм 544 грамм миқдорда гиёҳвандлик моддалари тортиб олинди. Биз тадбир давомида инсоният соғлиғига путур этказишга қаратилган жиноятларнинг олдини олишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Гиёҳвандликка қарши доим бонг уриб келинаяпти. Аммо чумоли инидай йўл топса сизот сувидай сизиб ўтишга уринувчи бу балои офат пайини бутунлай қирққишга эришганимиз йўқ. Ётиб қолгунча отиб қол, қабилда ўз нафсига эрк бераётган кимсалар у ербу ерда бўй кўрсатиб турибди. Аммо улар ҳар қанча уринишмасин гараз мақсадлари амалга ошмайди. Яхшилар бирлашган жойда эзгулик илдииз отишига шак-шубҳа йўқ.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

## "КЕЧИРИНГ, УКАЖОН..."

Айни кунларда бутун мамлакатимизда "Қорадори - 2002" тадбири ўтказилмоқда. Албатта, Бухоро вилояти ҳам бу билан четга қолаётгани йўқ. Тадбирдан кўзланган мақсад ҳудудда гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларни аниқлаш, тақиқланган экинларни ноқонуний равишда етиштириётган ва сотаётган кимсаларни топиб, уларнинг бу қилмишларига яраша муносиб баҳо беришдир. Зеро, учинчи минг йилликда инсоният бошига жиддий таҳдид солиб турган гиёҳвандлик балоси аср вабоси сифатида эътироф этилаётгани ҳам унга нисбатан шафқатсиз бўлиш, аёвсиз изчил кураш олиб боришни талаб этади.

Минг афсуски, заҳри қотил етиштириётган кимсалар орасида аёлларнинг ҳам борлиги аянчли бир ҳолдир.

Кўкнор ўсимлигини нима сабабдан етиштираяписиз? - деб сўради ички ишлар ходими нима қиларини билмай жовдираб турган аёлдан.

Бу, ... бу гиёҳвандлик ўсимлиги эканлигини билмапман, кечиринг, ука.

Олот тумани Р. Ботиров ширкат хўжалигида яшовчи Маҳтоб опа томорқасида 41 туп кўкнор ўстираётгани учун қишлоқдошлари орасида уятдан мулзам бўлиб қизариб қолди.

Унинг гиждувонлик "дугонаси" Маҳмуда ҳам томорқасининг бир бурчагида ўн тупгина "гул" парвариш қилаётганлиги маълум бўлди. Ўттизани қоралаган бу аёл ҳалол меҳнат билан шугулланганида ички ишлар идоралари ходимлари безовта қилмаган бўлардилар.

Зарафшон ширкат хўжалигида яшовчи Ўғилойнинг хатти-ҳаракати ҳаммасидан ошиб тушди. У ҳеч қандай қонундан тап тортмасдан 138 туп кўкнор кўчатини парвариш қилаётган экан. Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот посбонлари Ўғилойнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйишди.

Тадбир давомида гиёҳвандликка ружу қўйган, ҳисобда турувчи кимсалар ҳам қатъий назорат остига олинди. Бухоро шаҳри Ф. Хўжаев туманида яшовчи Шаҳнозаниннинг ўзини тутиши ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Кейинчалик маълум бўлишича, унинг безовталанганлиги бежиз эмас экан. Йигирма беш ёшда бўлишига қарамай панжара орти ҳаёти билан яхшигина танишишга улгурган бу қизнинг ёнидан 0,5 грамм героин топилганига нима дейсиз?

О. РОПИЕВ,  
милиция катта лейтенанти.



## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ



Жанубий Корея ва Италия терма жамоалари учрашувининг 117-дақиқасида Ан Чжун Хван рақибини алдаб ўтиб, корейликларни чорак финалга олиб чиққан "олтин гол"ни киритди.

### ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Гуруҳлар	Жамоалар	Ҳисоб
41. С	Коста-Рика – Бразилия	2:5
42. С	Туркия – Хитой	3:0
43. G	Мексика – Италия	1:1
44. G	Эквадор – Хорватия	1:0
45. H	Тунис – Япония	0:2
46. H	Бельгия – Россия	3:2
47. D	Португалия – Ж. Корея	0:1
48. D	Польша – АҚШ	3:1
49. 1/8 финал	Германия – Парагвай	1:0
50. 1/8 финал	Дания – Англия	0:3
51. 1/8 финал	Швеция – Сенегал	1:2
52. 1/8 финал	Испания – Ирландия	1:1 (3:2)
53. 1/8 финал	Мексика – АҚШ	0:2
54. 1/8 финал	Бразилия – Бельгия	2:0
55. 1/8 финал	Япония – Туркия	0:1
56. 1/8 финал	Ж. Корея – Италия	2:1

### ЧЕМПИОНАТ ЖАДВАЛИ

21.06		
Англия – Бразилия	1/4 финал	(Шизуона, 11:30)
Германия – АҚШ	1/4 финал	(Ульсан, 16:30)
22.06		
Испания – Ж. Корея	1/4 финал	(Кванчжу, 11:30)
Сенегал – Туркия	1/4 финал	(Ульсан, 16:30)

### КЎРГАЗМАЛИ ЎЙИНГА ТАКЛИФ

Тайван ҳукумати Сенегал терма жамоаси аъзоларини Жаҳон чемпионатидан сўнг мамлакатга ташриф буюриб, бир нечта кўргазмали ўйин ўтказишга таклиф қилди.

– 17-Жаҳон чемпионатида футболчиларнинг муваффақиятли иштироки, – деди Тайван Ташқи ишлар вазирлиги вакили, – ушбу юртга бўлган эътиборни кучайтирди. Тайванда анъанавий равишда бейсбол ва баскетболдан кейин турадиган футболга бўлган қизиқиш ҳам ошди.

### КЎВОНЧДАН... ОЛАМДАН ЎТДИ

Жанубий Корея футболчилари Италия терма жамоаси билан 1/4 финалга чиқиш учун бўлиб ўтган учрашувда ҳисобни тенглаштирганда корейс ишқибозларидан бири хурсанд бўлиб кетганидан... вафот этди. 28 ёшни қаршилаган бу фанат оила аъзолари билан ўйинни томоша қилиб ўтирарди. Учрашувнинг 88-дақиқасида ҳужумчи Соль Ги Хен дарвозага тўп киритганда кўкрагини чангаллаб ҳушидан кетди. У дарҳол яқин ўртадаги шифохонага жўнатилди, аммо ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Мухлис юрак хуружи туфайли оламдан ўтди.

### СОЧИНИНГ ШАКЛИ ЎЗГАРАДИ

Англия терма жамоаси сардори Дэвид Бэкхемнинг умр йўлдоши Виктория Адамс данияликлар билан ўтказилган ўйинни қузатаётиб эрининг сочига эътибор берди. Учрашув пайтида ёғган қаттиқ ёмғир таъсирида сочининг шакли бузилган эди. Шу боис Виктория дарҳол Дэвиднинг шахсий сартароши билан боғланиб, Японияга учиб келишини илтимос қилди. Эндиликда Бразилия терма жамоаси билан бўлиб ўтадиган учрашув чоғида Бекхэм майдонга янги соч шаклида тушади.



### ФАНАТЛАР ЖАЗАВАГА ТУШИШДИ

Чемпионатнинг 1/8 финалида Италия терма жамоасининг Жанубий Корея футболчиларига ютқазиб қўйгани италиялик фанатларнинг жазавога тушишига олиб келди. Учрашув мамлакат пойтахти кўчаларига, шунингдек, Халқ майдонига ўрнатилган катта экранларда намойиш этилди. Ҳакамнинг ўйин тугаганлиги ҳақидаги ҳуштаги янграши билан офтоб тигида икки соат давомида мусобақани қузатган икки минг нафардан ортиқ мухлиснинг норози оҳангдаги ҳайқирғи эшитилди. Экранга пластмассали шишалар улоқтирилди. Аммо 10 дақиқа вақт ўтмай майдон бўшаб, фақат бўш идишлар, пластмассали шишалар, пакетлар, озиқ-овқат қолдиқларидан иборат "поёндоз"гина қолди.

"Термини" марказий темир йўл шоҳбекатида эса бир нечта Жанубий Корея фуқароси ҳақорат қилинди. Ўйиндан сўнг ёш мухлислар: "Ўғрилар, биздан ғалабани ўғирлашди!" дея бақира бошладилар. Аммо улар тезда етиб келган полициячилар томонидан тинчлантирилди.

### Шифокор маслаҳати

## ЎТКИР ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ!

**Ёз фаслида аҳоли орасида ўткир ошқозон-ичак касалликлари авж олади. Июнь-сентябрь ойларида ичбуруғ, салмонеллез, ичтерлама ва паратиф касалликларининг тарқалиш хавфи кучаяди. Ушбу касалликлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви орқали юқади.**

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ходимлари санитария-гигиена қоидаларига риоя этмасалар истеъмол маҳсулотлари тайёрлаш, ташиниш, сақлаш ва тарқатиш вақтида ифлосланиб қолади. Ўткир ошқозон-ичак касалликларининг тарқалишида ичимлик сувининг аҳамияти катта.

Касаллик гуруҳли ёки яқка ҳолда тарқалиши мумкин. У кўпинча ифлосланган кўл орқали ҳам юқади. Бу касалликнинг тарқалишида асосий омиллардан яна бири — жойларнинг қониқарли санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслигидир.

Касалликнинг тарқалишида пашшалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар ичбуруғ касал-

лиги қўзғатувчиларини ташувчилар ҳисобланади. Атроф-муҳит ифлосланганда пашшалар ичак касалликлари бактериялари билан зарарланади ва касалликни тарқатади.

Ошқозон-ичак касаллигининг асосий белгиси ич бузилишидир. Тез-тез ич кетишидан организм кўп миқдорда сув ва минерал тузларни йўқотади. Бу ҳолат беморнинг ҳолсизланишига олиб келади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишловчилар, уюшган жамоа ходимлари ҳамда ошхонада вақтинча ишловчилар орасида ўткир ичак касаллиги қайд этилиши аҳолининг гуруҳли ичак касаллиги билан оғришига сабаб бўлади.

Касал бўлмаслик учун шифокорларнинг қуйидаги маслаҳатига амал қилиш лозим.

Мева ва сабзавотларни қайнаган сувда ювиб, истеъмол қилиш, ҳар доим, айниқса, овқатланишдан олдин қўлни совунлаб ювиш, фақат қайнатилган сувни ичиш керак.

Нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини елим халтачалар ва усти берк идишларда сақлашни эслаб ўтамиз.

Хонадон ва ҳовлиларни доимо озода тутиш билан пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик мумкин.

Идиш-товуқларни совун ва ювувчи воситалар, қўшимча 0,2 – 0,5% ли хлорли дезин-

фекцияловчи аралашмалар билан ювишни тавсия этамиз. Ошхона чиқиндиларини ёпиқ ҳолда сақлаб, ахлат ташлаш жойларини тез-тез дезинфекция воситалари билан зарарсизлантириб туриш лозим.

Болаларнинг ариқдан, очиқ сув ҳавзаларидан сув ичишига, ман этилган жойларда чўмилишига йўл қўйманг.

Агар ич кетиши қузатилса, тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этинг. Ўз билганингизча ҳар хил дори-дармонларни истеъмол қилиш – касалликнинг сурункали ҳолатга ўтиб кетиши ва ҳар хил асоратларга олиб келиши мумкинлиги доимо ёдингиздан кўтарилмасин.

**Д. ТЎРАНАЗАРОВ,**  
тиббий хизмат полковниги.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Қўқон шаҳар туманлараро қайд қилиш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи, милиция майори  
**НАСИРУЛЛО РАҲМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Боғишамол тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Фарҳод Шодиевга волидаи муҳтарамаси  
**МУҲАББАТ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, фахрийлар ва мураббийлар кенгаши истеъфодаги милиция капитани Мирза Эргашевга падари бузруквори, истеъфодаги милиция старшинаси  
**БОБОЖОН ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ, Наманган вилояти ИИБ ЁХБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийлари истеъфодаги ички хизмат полковниги Шўхрат Имомовга турмуш ўртоғи  
**РЎЗИХОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

**MANZILIMIZ:**  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir**  
**Shuhrat**  
**MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.  
**Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib  
**B. AZIMOV**  
Navbatchi:  
**S. SHAMSIDDINOV**  
Musahhihlar:  
**M. AKRAMOVA**  
**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:  
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

**TELEFONLAR:**  
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.  
Mas'ul kotib 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
**urmvd@globalnet.uz**

**Bizning hisob raqamlarimiz**  
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki  
Toshkent viloyati  
Bosh boshqarmasi.  
hisob raqami:  
21596000500447980001,  
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB  
O'zbekiston A.J.  
20210000300447980002  
MFO 00831,  
i/r 5033853  
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart  
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.  
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan  
Buyurtma Г — 545.  
Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.  
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 44.072 nusxa.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
1, 2, 3, 4, 5, 6.